БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 254 (19.630). • 1986 йил 11 ноябрь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ЙИЛИМИЗНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАЙЛИК!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети нефтни қайта ишлаш ҳамда корхоналари ва ташкилотлари ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни интенсивлашга оид ташаббуси тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтилганидек, Бошқирдистон АССР нефть, нефтни қайта ишлаш ҳамда нефть химияси саноати корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлига ўтиб, юксак пировард натижаларга эришиш — ўн иккинчи беш йилликда нефть қазиб чиқаришни йилига камида 30 миллион тонна даражада сақлаш ва шу асосда беш йиллик топшириқларига қўшимча 4,5 миллион тонна нефть олиш, шунингдек, реконструкциялаш, техника билан қайта жиҳозлаш ва илғор технологияларни жорий этиш ҳисобига нефтни тўла қайта ишлашни 14,5 процент ошириш мажбуриятини қабул қилдилар. Ушбу мажбуриятлар асосан ажратилган маблағлар доирасида амалга ошириш мўлжалланган муқобил план деб баҳоланмоқда.

Бу ташаббус турдош коллективларнинг куч-ғайратларини бирлаштириб, нефть хом ашёси қазиб чиқаришни, уни қайта ишлаш ва маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришни энг кўп самара билан комплекс таъминлаш имкониятини яратади. Бу КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларига, қатламлардан олинадиган нефтни кўпайтириш, асосий фондлардан яхшироқ фойдаланиш, уларни янгилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, барча турдаги ресурсларни тежаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш вазифаларига мос бўлиб тушади ҳамда шу йилнинг ўзида"қ беш йиллик план топшириқларидан ўзиб кетиш учун шароит яратади.

Ташаббускорларнинг сўзи билан иши бир жойдан чиқаётганлиги муҳимдир. Шу йилнинг ўн ойида пландан ташқари 270 минг тонна нефть қазиб олинди, уни қайта ишлашни чуқурлаштириш ҳисобига 750 минг тоннадан кўпроқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

КПСС Марказий Комитети Бошқирдистон АССР нефть, нефтни қайта ишлаш ҳамда нефть химияси саноати корхоналари ва ташкилотлари меҳнат коллективларининг ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш борасидаги ташаббусини маъқуллади ҳамда иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига, СССР Нефть саноати, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигига, СССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетига, тармоқ касаба союзлари марказий комитетларига мамлакатнинг барча нефть районларида, нефтни қайта ишлаш корхоналарида, ҳар бир меҳнат коллективида шу ташаббусни кенг қўламда муҳокама қилиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлашни таклиф қилди. Нефть қазиб чиқаришни кўпайтириш, қатламлардан нефть олишни кўпайтириш. нефтни қайта ишлашни чуқурлаштириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда бирлашмалар, корхоналар, илмий тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларига зарур ёрдам берилсин, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олдирилсин, 1986—1987 йилларда нефть қазиб чиқариш юзасидан мамлакатда ҳосил бўлиб қолган қарзни тўлдириш ва беш йиллик икки йили планини сўзсиз бажариш энг муҳим вазифа деб ҳисобласин.

СССР Нефть саноати министрлиги, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги ҳамда СССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг партия комитетлари аппарат коммунистлари, барча ходимларининг Бошқирдистон нефтчилари ташаббусини ривожлантириш борасидаги иши устидан контрол ўрнатсинлар, КПСС XXVII съездининг ишлаб чиқаришни интенсивлашга оид қарорлари бажарилиши учун уларнинг масъулиятини оширсинлар.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, марказий ва маҳаллий газеталарнинг редакцияларига ишлаб чиқаришни интенсивлаш, нефть қазиб чиқариш даражасини барқарорлаштириш, уни қайта ишлаш чуқурлигини ошириш мажбуриятини қабул қилган Бошқирдистон АССР нефтчилари, нефтни қайта ишловчилари коллективларининг, транспорт, таъминот ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлари ходимларининг тажрибасини ҳар томонлама пропаганда қилиш тавсия этилди. Матбуот материалларида, эшиттиришлар ва кўрсатувларда ишлаб чиқариш коллективлари ва айрим илғорларнинг меҳнатда юксак натижаларга эришиш йўллари, планлар ва қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги чуқур ва яққол кўрсатиб берилсин.

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Меҳнат коллективларида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Шонли санага муносиб меҳнат тухфалари тайёрлашга аҳд қилган «Уйчисельмаш» заводи коллективи ҳозирданоқ юқори ишлаб чиқариш суръатини таъминламоқда.

Корхонанинг ўз машъаллари бор. Улар ишга виждонан муносабати, ресурсларни камроқ сарфлаган ҳолда кўпроқ ва сифатли маҳсулот тайёрлашга интилиши билан барчага намуна бўлишаётир. Темирчилик-пресслаш участкаси қолипловчиси М. Зокированинг номи меҳнат беллашуви пешқадамлари қаторида тилга олинмоқда. У резервлардан самарали фойдаланиш ҳисобига ойлик топшириқларини 110—115 процент адо этмоқда. Илғор ишчи тайёрлаётган буюмлар биринчи тақдимдаёқ юқори сортларга қабул қилинаётир.

— Келажакка бугундан пойдевор қурилади, —дейди М. Зокирова.— Беш йиллик дастлабки йилини муваффақиятли якунлаш келгусида узлуксиз ва барқарор маромни таъминлайди. 1986 йилги план ва социалистик мажбуриятларимни муваффақиятли бажариб, Улуғ Октябрь юбилейи йилида янада салмоқлироқ натижаларга эришишга — беш йиллик икки йили планини 1987 йил 7 ноябргача бажаришга аҳд қилганман.

Суратда: участка пайвандловчиси А. Алиев мусобақадоши М. Зокировани навбатдаги меҳнат ютуғи билан қутламоқда.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) фотосн.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети уй-жой ва социал-маданий объектлар қуриш планларини муваффақиятли бажариш учун Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар ва районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1986 йил III кварталдаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан қуйидагилар мукофотланди:

Наманган области;

Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов райони;

Самарқанд областидаги Булунғур райони.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилди:

Олтиариқ райони — район партия комитетининг секретари У. Бегматов, район ижроия комитетининг раиси А. Маматхонов, РАПО кенгашининг раиси А. Муҳитдинов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи О. Иброҳимов, район агросаноат комплекси ходимлари касаба союз комитетининг раиси М. Бозоров, район комсомол комитетининг секретари И. Мирзараҳимов;

Қува райони — район партия комитетининг секретари А. Мираҳмедов, район ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ашуров, РАПО кенгашининг раиси С. Мирзаев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Т. Ҳолиқов, район агросаноат комплекси ходимлари касаба союз комитетининг раиси З. Асронқулов, район комсомол комитетининг секретари Н. Ўрмонов;

Учқўрғон райони — район партия комитетининг секретари К, Раимжонов, район ижроия комитетининг раиси Х. Тожибоев, РАПО кенгашининг раиси У. Каримжонов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Н. Эрназаров, район агросаноат комплекси ходимлари касаба союз комитетининг раиси Г. Ҳасанов, район комсомол комитетининг секретари С. Рўзибоева.

КОЛХОЗ БАЙРОҒИДА ОРДЕН

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз қишлоқ хўжалигида илғор тажриба мактаби бўлиб қолди. Хўжалик коллективи меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш системасини, деҳқончиликнинг илмий жиҳатдан асосланган системасини жорий этиш ташаббускорларидан биридир. Бу ерда ҳамма майдонларда алмашлаб экиш ўзлаштирилган, деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишлар кенг механизациялаштирилган, қудратли ремонт базаси барпо этилган.

Ўтган беш йиллик олға қараб ҳаракат қилишда колхоз меҳнатчилари учун янги босқич бўлди. Ана шу йиллар давомида бу ерда пахта, каноп, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги анча ошди, жамоат чорвачилиги маҳсулдорлиги сезиларли даражада кўтарилди.

Колхоз ўн биринчи беш йилликда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишдаги муваффақиятлари учун «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Хўжаликда ана шу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади. У тантанали вазиятда хўжалик байроғига «Ҳурмат Белгиси» орденини қадаб қўйди.

Йиғилишда жадаллаштириш беш йиллиги қишлоқ меҳнатчилари олдига қишлоқ хўжалиги ишини интенсивлаш, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш юзасидан янги вазифаларни қўйётганлиги таъкидлаб ўтилди. Фақат шу асосдагина гектар самарадорлигини ошириш, дала ва фермалар маҳсулотини етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини қескин ўстириш мумкин. Қайта қуриш давом этаётган ҳозирги пайтда барча деҳқонлар ва чорвадорларнинг, агросаноат комплекси ҳамма ходимларининг ижодий активлиги учун имкониятлар айниқса кенг очиб берилган. Энг яхши пировард натижаларга эришиш, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани янада авж олдириш зарурлиги таъкидланди.

Хўжалик меҳнатчилари Ватаннинг юксак мукофотига жавобан КПСС XXVII съезди белгилаб берган улкан режаларни рўёбга чиқариш учун куч-ғайратларини аямай меҳнат қилишга ваъда бердилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ФАРҒОНА

Фарғона райони пахтакорлари халқ хўжалик планини муддатидан илгари адо этдилар. Қабул пунктларига 31,6 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Айни кунларда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Ленин номли, К. Маркс номли, Ильич номли, «Коммунизм» колхозларининг деҳқонлари муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар.

ЖИЗЗАХ

Она-Ватанга 15,4 минг тонна пахта топширган Зомин райони меҳнаткашлари дастлабки довондан ошдилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

АНДИЖОН

Ленин райони заршунослари областда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. Давлат омборларига етказиб берилган 35,5 минг тонна «оқ олтин»нинг 6,8 минг тоннасини уруғлик пахта ташкил этади. Йиллик планнинг муваффақиятли бажарилишига «Правда Востока», «Социализм», Энгельс номли колхозларнинг азаматлари баракали улуш қўшдилар.

ТОШКЕНТ

Ўрта Чирчиқ райони пахтакорларининг ҳозиргача уйган хирмонлари 44,3 минг тоннага етди. Бу планда белгиланганидан 4 минг тонна кўпдир. Эришилган муваффақиятда Ленин номли, Свердлов номли, Терешкова номли, «Ленин йўли», «Коммунизм» колхозларининг баракали ҳиссаси бор. Бу хўжаликларда ҳар гектар ердан 32—35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

СУРХОНДАРЁ

Кумқўрғон районидаги Ғафур Ғулом номли совхоз коллективи пахта тайёрлаш планини бажарди. Ҳар гектар ердан 35-40 центнердан хирмон кўтаришга эришган В. Бекмуродов, А. Зокировлар бошлиқ алмашлаб экиш участкалари ва З. Бойбўлов, Б. Абдуллаев, М. Олтибоев, К. Бекмуродовлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг аъзолари муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар. Хўжаликда яна 500 тонна пахта тайёрлаш учун қизғин кураш кетмоқда.

* * *

Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли колхоз миришкорлари зафар маррасини эгалладилар. Давлат қабул пунктларига 5657 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта топширилди. Ҳосилнинг 4260 тоннаси ёки 76,1 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. «Зангори кема»лар ёрдамида уйилган хирмон 27,78 тоннадан ошди. Колхоз меҳнаткашларининг янги марраси— планга қўшимча 150 тонна ипак пахта тайёрлашдан иборат.

СИРДАРЁ

Комсомол районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшира бошладилар. Она-Ватан коммунизмликлардан 4,4 минг тонна пахта қабул қилиб олди. Хўжалик деҳқонлари давлатга яна 100 тонна хом ашё сотишни кўзлашмоқда.

НАВОИЙ

Қизилтепа районидаги «Бўстон» совхозининг Р. Даврондушанов бошлиқ бригадасидан йиллик план бажрилганлиги ҳақида хушхабар олинди. Қабул пунктларига 105 тонна пахта етказиб берган азаматлар яна 10 тонна хом ашё тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

ҚҚАССР

Кегайли районидаги Куйбишев номли совхоз пахтакорлари дастлабки довондан ошдилар. Давлатга 9,3 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Совхоз миришкорлари яна 680 тонна пахта тайёрлаш учун йиғим-теримни давом эттиришмоқда.

НАМАНГАН

Косонсой районидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари йиллик план бажрилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Республика хирмонига 4120 тонна «оқ олтин» топширилди. Э. Ҳатамбоев, Ж. Деҳқонбоев, А. Нуриддинов каби моҳир пахтакорлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари юқори ҳосил етиштириб, уни ўз вақтида йиғиб-териб олишга муваффақ бўлдилар.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 10 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

ФАРҒОНА	0,23	103,92	0,14	62,62
ТОШКЕНТ	0,24	103,46	0,03	99,41
Сурхондарё	0,67	97,31	0,19	89,65
Наманган	0,61	96,38	0,23	81,10
Сирдарё	0,51	93,59	0,08	98,56
ҚҚАССР	0,60	90,40	0,16	59,97
Хоразм	0,42	84,05	0,66	49,57
Андижон	0,83	82,61	0,39	50,52
Жиззах	0,49	77,73	0,07	65,90
Самарқанд	0,34	74,17	—	36,26
Бухоро	0,19	73,93	0,18	15,30
Навоий	0,27	59,93	0,16	22,50
Қашқадарё	0,39	57,68	0,21	38,24
Республика бўйича:	0,45	84,89	0,19	61,47
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
СУРХОНДАРЁ	1,14	154,64	0,41	165,07
НАМАНГАН	0,50	106,78	—	1,90
НАВОИЙ	0,97	104,95	1,90	26,38
Бухоро	0,62	78,84	—	—
Қашқадарё	0,83	60,76	0,62	59,10
Республика бўйича:	1,01	120,35	0,49	121,08

Милиция ходимларининг байрами

Республика жамоатчилиги Совет милицияси кунини кенг миқёсда нишонлади. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида меҳнаткашларнинг жамоат тартибини муҳофаза қилиш органлари ветеранлари билан, совет кишиларининг осойишталиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилаётган кишилар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

10 ноябрда Тошкентда Совет милицияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистон ССР ички ишлар министри, генерал-майор У. Раҳимов доклад қилди.

Кейинги вақтларда милиция ходимларининг сафлари халқнинг муносиб вакиллари — коммунистлар, комсомоллар билан тўлганлиги, улар ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга актив қўшилганликлари йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Талонторожчиларга, порахўрларга, чайқовчиларга ва меҳнатсиз даромад кўрадиган бошқа шахсларга қарши кураш янада жанговар тус олди. Бироқ хотиржамликка ва беғамликка берилиш учун асос йўқ. Жиноятчиликнинг ўсишини камайтириш учун янада сабот билан курашиш, меҳнаткашларнинг мададига таяниб, ҳуқуқ бузиш ҳолларининг олдини олиш ишларини кучайтириш зарур. Йиғилиш қатнашчилари партия ишига бундан буён ҳам садоқат билан хизмат қиламиз, совет кишиларининг манфаатлари посбонлигида қаттиқ турамиз, ўз ишимизни КПСС XXVII съезди талаблари асосида такомиллаштирамиз, деб ваъда бердилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо социалистик мамлакатлар қардош партиялари раҳбарларининг учрашуви

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо социалистик мамлакатлар қардош партиялари раҳбарларининг амалий учрашуви 10 ноябрь куни Москвада очилди. (ТАСС).

МОСКВАГА КЕЛДИЛАР

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо социалистик мамлакатлар қардош партиялари раҳбарларининг амалий учрашувида қатнашиш учун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат кенгашининг раиси Т. Живков, Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг Бош секретари Я. Кадар, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ВСР Давлат кенгашининг раиси Чионг Тинь, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер, Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгашининг ва Министрлар Советининг раиси Ф. Кастро, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк Халқ Хурали президиумининг раиси Ж. Батмунх, Польша бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Давлат кенгашининг раиси В. Ярузельский, Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак 9 ноябрь куни Москвага келдилар.

Қардош партияларнинг раҳбарларини Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе ўртоқлар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЁШЛАР ТИНЧЛИК УЧУН ОВОЗ БЕРМОҚДАЛАР

Жаҳон ёшлар кунига ва Жаҳон демократик ёшлар федерацияси ташкил этилган куннинг 41 йиллигига бағишланиб 10 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш қатнашчилари тинчлик учун курашда яхши ниятли барча кишилар билан бирдамлик изҳор этдилар. Йиғилишда ёш ишчилар, инженерлар ва республика олий ўқув юртларида таълим олаётган чет эллик студентлар иштирок этдилар.

Йиғилишда Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг Совет Иттифоқидаги ташкилотлари тинчлик учун, империализм, янги мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши курашда турли мамлакатлар тараққийпарвар ёшларининг интернационал жипслигини ҳамиша ёқлаб чиққанликлари уқтириб ўтилди. Совет йигит ва қизлари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларига мунтазам равишда дори-дармон, китоблар, маданий ва спорт жиҳозлари юбориб, уларга катта мадад бермоқдалар. Жаҳон демократик ёшлар федерацияси ташкилотларининг ишида ёш тошкентликлар ҳам қатнашмоқдалар. Шаҳардаги корхоналар ва ташкилотларнинг кўплаб комсомол коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмасидан Олия Хўжаева бошлиқ ёшлар бригадасининг бир кунлик иш ҳақини Совет Тинчлик фондига ўтказиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Йил бошидан бери ёш тошкентликлар ана шу фондга 15 минг сўмдан ортиқ пул топшердилар.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА КИТОБ НАШРИЁТЧИЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси партия-хўжалик активларининг 10 ноябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида тармоқ ходимларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси С. Ш. Қурбонов доклад қилди.

Йиғилишда китоб нашр этишни тубдан қайта қуриш, идеология ишларини такомиллаштиришда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда нашриётларнинг ролини ошириш ғоят муҳимлиги таъкидланди. Китоб нашр этувчилар ва полиграфиячилар китоб маҳсулоти чиқариш ва унинг сифатини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни жадаллаштиришлари, давримизга муносиб ва коммунизм бунёдкори бўлган инсоннинг маънавий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган сермазмун ва аниқ ғоявий йўналишдаги адабиётларга нисбатан ўсиб бораётган талабни таъминлашлари зарур.

(ЎзТАГ).

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

Фарғона область партия комитети пленумидан

Фарғона области меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Область пахтакорлари республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини ва дастлабки мажбуриятни бажариб, янги марралар сари дадил бораётирлар. Шу кунгача давлатга 566,3 минг тонна қимматбаҳо хом ашё топширилди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам яхши натижаларга эришилаётир.

Область саноатида ишлаб чиқариш ўн ойлик план топшириқлари муддатидан бир ҳафта олдин бажарилди. Ишлаб-чиқариш ҳажмининг ўсиши 7,5 процентни, меҳнат унумдорлиги 4,7 процентни ташкил этди. Плондан ташқари 60 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати бирмунча яхшиланиб, турлари анча кўпайди.

— Аммо ютуқларимизни кўрсатувчи бу рақамлар бизни ҳеч қачон хотиржамликка солиб қўймайди, — деди пленумда КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми талаблари асосида идеология иши самарадорлигини яна да ошириш юзасидан область партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида доклад қилган обкомнинг биринчи секретари Ҳ. Умаров. — Кўзланган марраларни муваффақиятли эгаллаш эўр қатъият ва изчиллик билан ишлашни талаб қилади. Бунинг учун биз энг аввало барча соҳалардаги ишимизни қайта қуриб олишимиз, одамларнинг психологияси, онги ва руҳиятида замон талабларига мос кандлик, ҳозиржавоблик ҳиссини уйғота олишимиз керак.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар бу жараёнда идеология ишининг бениҳоя катта роли ҳақида батафсил тўхталдилар. Бироқ, ҳақиқий аҳвол шуни кўрсатмоқдаки, областдаги бир қатор партия ташкилотлари идеологик ҳамда сиёсий-тарбиявий ишларни шу кун талаблари даражасида ташкил эта олганлари йўқ. Партия комитетлари меҳнат коллективларининг энг қуйи қатламларигача кириб бориб, одамлар билан долзарб масалалар хусусида юзма-юз, очиқчасига гаплашиш даражасида иш олиб бормаяптилар. Олтиариқдаги жун йигирув фабрикаси ва минерал сувлар заводи, Фарғона тўқимачилик комбинати ва унинг филиаллари партия ташкилотлари секретарлари коллективда пайдо бўлган муаммоларни четлаб ўтмоқдалар, мавжуд камчиликлар ҳақида сукут сақламоқдалар. Бундай юзакичилик планларнинг бажарилмай қолишига, меҳнат коллективларида ўз кучига ишончсизлик кайфияти туғилишига сабаб бўлмоқда.

Область партия ташкилоти сиёсий жиҳатдан етук кадрларнинг катта отрядини тарбиялаб вояга етказмоқда. Бироқ ҳаёт жойларда ҳамон эскичасига ишлаётган кадрлар ҳам борлигини кўрсатяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси бунга ўз вақтида қайд этган эди. Аммо, Фрунзе, Тошлоқ, Фарғона район партия комитетлари раҳбар кадрларнинг тарбиячилик ролини ошириш ҳақидаги бу масалани ўз пленумларида кўриб чиққанлари йўқ. Қува, Ёзёвон район партия комитетлари, Қувасой шаҳар партия комитети эса бу йил раҳбар кадрларнинг ғоявий-тарбиявий ишларни олиб боришдаги фаолиятлари ҳақидаги ҳисоботларини бирор марта ҳам эшитмадилар.

Ягона сиёсий кунлар раҳбар ходимларнинг омма билан мулоқотини таъминлайдиган муҳим восита бўлиб қолди. Мазкур тадбирларда областда ҳар гал ярим миллион киши қатнашмоқда. Бу яхши. Бироқ айрим раҳбар ходимлар бундай муҳим иш учун вақт топа олмаётганликлари таассуфланарли ҳолдир. Область комсомол комитетининг ўнта бўлим мудиридан фақат уч-тўрт нафаригина ягона сиёсий кунларда иштирок қилмоқдалар. Бу ҳол область шаҳар ва район партия комитетларининг Ягона сиёсий кунларни ўтказишда зарур даражада талабчанлик ва принципиаллик кўрсатмаётганлигини билдиради.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар баъзи раҳбар ходимлар ўз устиларида ишламай қўйганликлари тўғрисида ташвишланиб гапирдилар. Масалан, Ўзбекистон районидаги Шўрсув механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Б. Комилов, «Қўқон» совхози бош агрономи М. Ҳошимов, район халқ маорифи бўлими мудири М. Маҳмудов, Олтиариқдаги Файзиобод қурилиш конструкциялари комбинати бошлиғи А. Погосян ўзларига ишониб топширилган участкадаги аҳволдан яхши хабардор эмаслар, ўзларининг ғоявий-сиёсий билимларини оширмаётирлар.

Пленумда партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасида ҳам жиддий нуқсонлар борлиги қайд этилди. Ўтган ўқув йилида партия сиёсий маорифида 82 минг тингловчи, шу жумладан 52 минг коммунист сиёсий билим олди. 8 мингдан зиёдроқ мактаб иш олиб борди. Лекин текширишлар шуни кўрсатдики, кўпгина сиёсий ва иқтисодий таълим мактабларида машғулотларни олиб боришда кўзбўямачилик ва расмиятчиликка йўл қўйилди. Марғилон шаҳри, Олтиариқ, Охунбобоев, Ўзбекистон районларида ана шундай воқеалар содир бўлди. Лекция пропагандасида ҳам шундай камчиликлар рўй берди. Гарчи ҳисоботда ўтган йили 107 мингга яқин лекция ўқилгани қайд этилган бўлса-да, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжаликни бошқариш, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш ва иқтисодий мавзуларда лекциялар жуда кам ўқилди. Кўпгина лекторлар ўз сиёсий билимларини ва савияларини оширмай қўйганлар. Ўтган йилги аттестация пайтида талай лекторларнинг лекция ўқишга нолойиқ деб топилгани бунинг тасдиғидир.

Пленумда шунингдек, клуб ва маданий-спорт комплексларидан фойдаланиш талаб даражасида эмаслиги қаттиқ танқид қилинди. Музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг таъкидлашича, Киров районида 7 та клуб бошқа ташкилотларга бериб қўйилган. Олтиариқ районидаги «Ленинобод» совхозида ҳам ана шундай аҳвол содир бўляпти.

— Клуб ва спорт муассасалари иши ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабабли кишилар бўш вақтларини қандай ўтказишларини билмаяптилар, — деди сўзга чиққан Қувасой цемент комбинати лаборанти Л. Алферова. — Коммунистлар ўртасида пассивлик, камчиликларга нисбатан муросасозлик кайфияти барҳам топмаяпти. Шифер цехида, 1-корхонада спиртли ичимлик ичиш, меҳнат интизомини бузиш ҳали ҳам давом этяпти. Комбинатнинг баъзи раҳбарлари ишчилар ўртасида сиёсий доклад ва суҳбатлар билан чиқмаяптилар. Партия комитети бунга бепарволик билан муносабатда бўляпти.

Музокарада сўзга чиққан Фарғона фуран бирикмалари заводи партия комитетининг секретари Ғ. Қодиров, Марғилон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Эргашева, Киров район партия комитетининг биринчи секретари Н. Раҳимов, Ёзёвон районидаги «Москва» колхозининг раиси Р. Ражабова, Қува район Совети ижроия комитети раиси Ҳ. Ашуров ва бошқа нотиқлар ўз сўзларида идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми талаблари даражасида қайта қуриш лозимлиги ҳақида жон куйдириб гапирдилар.

Область партия комитети пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари В. Н. Лобко қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. С. Берлизин иштирок этди.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

О. ҲАКИМОВ.
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

Лўқма

ГАЗЕТХОННИ КИМ ЧАЛҒИТДИ?

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 4 ноябрь сонида Самарқанд область партия комитети секретари Ф. Шукурованинг «Амалий фаолият дастури» сарлавҳали мақоласини ўқидик. Ўз-ўзини танқид руҳида ёзилган бу мақолада атеистик тарбияни кучайтириш ҳақида яхши фикрлар билдирилган. Бироқ бизни бошқа бир нарса ўйлантириб қўйди.

Гап шундаки, мақолада қуйидаги сатрларни ҳам ўқигандик: «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси шу йил 13 июль куни бўлиб ўтган мажлисида Самарқанд ройон партия комитетининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги роли ҳамда масъулиятини оширишдаги фаолиятини муҳокама қилди. Жиддий камчиликлар, ғоявий-тарбиявий ишда ва меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашда йўл қўйган хатолари учун Марказий Комитет Бюроси М. Шерқуловни район партия комитетининг биринчи секретари лавозимидан озод қилди».

Ушбу мақолани область «Ленин йўли» газетаси кўчириб босди. Лекин биз унда юқорида келтирилган сатрларни учратмадик. Демак, М. Шерқулов бошқа сабаб билан лавозимидан бўшатилган экан-да. Ёки бу республика газетасига «тузатиш» киритишми? Хуллас биз ҳайрон бўлиб қолдик.

Р. СОЛИҲОВ,
А. АВАЗОВ,
Меҳнат ветеранлари.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз ҳам ҳайронмиз. Чунки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси М. Шерқуловни айни ўша — ўзи мақолада айтилган хатолари учун вазифасидан озод қилгани ҳаммамизга маълум. У Марказий Комитет составидан чиқарилганини ҳам газетхонлар билишади. Лекин областдаги ҳамкасбларимиз мақолани кўчириб босиш пайтида муҳим жойини тушириб қолдирганда нимани ўйлашдийкин, бу бизга номаълум. Эҳтимол, Самарқанд область партия комитетидагиларга маълумдир бу. Хуллас, ким газетхонларни чалғитмоқчи эканини биз ҳам билмоқчимиз.

ОНА ЮРТ ТАФТИ

Ички хизмат майори Л. П. Телятников ота-онаси ҳузурига —Қустанай областининг Тарановское қишлоғига келди. У Чернобилда фожиа юз бергандан биринчилардан бўлиб хавф-хатар билан юзма-юз бўлганди. Чернобиль АЭСида содир бўлган хавфли шароитда ҳарбийлаштирилган ўт ўчирувчилар қисми катта жасорат кўрсатди. Уларга Леонид Петрович Телятников раҳбарлик қилганди. Ўт ўчирувчилар ёнғинни тезда назорат остига олишди. Станциянинг бошқа блокларига ўрлаётган олов йўли тўсилди...

Инсон қандай қийин синовларга дучор бўлмасин, тақдир уни қаерларга ташламасин, ҳамиша она юрти —тетапоя қилган замини, ёру-дўстлари, илҳақ кутадиган диёр уни ҳамиша ўзига чорлайди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Л. П. Телятниковни ҳамюртлари ёнғинни тезда назорат остига олишди. Станциянинг бошқа блокларига ўрлаётган олов йўли тўсилди...

Суратда: Телятниковларнинг катта онласига қувонч, шод-хуррамлик кириб келди. Қаҳрамонинг отаси—истеъфодаги полковник, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси Петр Николаевич ва онаси—Татьяна Потаповналарнинг чеҳраларида табассум. Опа-сингиллари ҳам Леонидниг атрофида парвона, жиянлари эса у билан фахрланишади.

В. Давидов фотоси (ТАСС фотохроникаси).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ТАДБИРЛАР КЎРИЛДИ

Газетанинг шу йил 12 сентябрь сонида босилган «РЕМОНТ ИШИДАГИ КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАР» сарлавҳали танқидий мақолада Наманган областининг баъзи хўжаликларида пахта териш техникасини мавсумга тайёрлашда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

— Пахта териш техникаси ремонтини ташкил этиш ва тайёрлашда камчиликларга йўл қўйганликлари учун Поп район агросаноат бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари С. Мўминов ва Жданов номли колхоз бош инженери А. Салоҳиддиновга выговор берилди,—дейилади НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ жавобида. — «Коммунизм», «Ленинград» ва «Правда» колхозлари бош инженерлари Х. Турсунов, С. Жўраев ва З. Ҳамидовлар қаттиқ огоҳлантирилдилар. Жданов номли колхоз механиги Ғ. Умаров, ремонт устахонаси мудири У. Абдуназаровлар вазифаларидан бўшатилдилар.

ФАКТЛАР ТЎЛА ТАСДИҚЛАНДИ

Газетанинг шу йил 27 сентябрь сонида босилган «БУ — ҲУРМАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?» сарлавҳали мақолада Фарғона районидаги «Ёш ленинчи» совхозидаги хонадонлар ва кўчаларни ёритишга электр тармоқлари ходимлари масъулиятсизлик билан қараётганликлари танқид қилинган эди.

— Мақолада кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди, — дейилади ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИдан олинган расмий жавобда. — Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Қишлоқдаги трансформатор пункти ремонт қилинди. Кўчалардаги симёғочлар тартибга келтирилди. Шу йилнинг тўртинчи кварталида янги қурилаётган трансформаторнинг қувватини ошириш кўзда тутилмоқда.

Хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганликлари учун Фарғона район электр тармоқлари идораси бошлиғи А. Жўраев ва участка мастери У. Паёзовлар огоҳлантирилдилар.

ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

«Совет Ўзбекистони»нинг 18 сентябрь сонида босилган «ЖАРИМА» сарлавҳали фельетон-пьесада Боғишамол районидаги юридик консультация мудири вазифасини бажарувчи Н. Бозоров электр энергиядан ғайриқонуний йўл билан фойдаланганлиги танқид қилинган эди.

Мақола юзасидан САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ АДВОКАТЛАР КОЛЛЕГИЯСИ ПРЕЗИДИУМИдан олинган жавобда хабар қилинишича, ундаги фактлар тасдиқланди. Н. Бозоров айбига иқрор бўлди. Коллегиянинг кенгайтирилган мажлиси ва коммунистлар йиғилиши қарори билан электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун Н. Бозоров вазифасидан бўшатилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

СИЁСИЙ ЖАНГЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Партиямиз XXVII съезди материалларини қайта-қайта ўқир экансан, энг аввало, биз —коммунистлар зиммасига жуда катта масъулиятли вазифалар қўйилганлигини чуқур ҳис этасан киши. Ҳаммамиз ҳам турли ишлар билан машғулмиз, касб-кормиз, вазифамиз ҳам турличадир. Аммо барча коммунистлар учун умумий ва ҳар бир коммунист учун энг муҳим бўлган вазифа — партиямизнинг актив сиёсий жангчиси бўлишдир. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ана шу ҳақда алоҳида таъкидланган.

Хўжалигимизда ишчилар, механизаторлар, чорвадор ва соҳибкорларнинг ғоявий-сиёсий ва иқтисодий билимини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил совхозимизда ўн бир жойда иқтисодий таълим мактаблари ташкил қилиниб, уларга 222 тингловчи жалб этилган. Партия комитети ҳар бир машғулотнинг самарали, таъсирчан ва қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида ўқув йили бошланишидан анча олдин бу ишга пухта тайёргарлик кўрди. Барча пропагандистлар аттестациядан ўтказилди. Район партия комитетида ташкил этилган семинарлар пропагандистларнинг билимини, тажрибасини янада бойитди. Партия ташкилоти шунингдек, ҳар бир тингловчини касб-кори, билим даражаси ва хизмат вазифасини қатъий эътиборга олиб, ўқишнинг у ёки бу турига жалб қилди.

Мен пропагандистлик қилаётган бўлимда иқтисодий ўқувга 23 тингловчи тортилган. Машғулотлар Добролюбов номли ўрта мактабнинг ўқитувчилар кабинетида ўтказилади. Бу кабинет кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланган. Унда ўн иккинчи беш йилликда автоном республика, район ва шунингдек хўжалигимизни иқтисодий ва социал ривожлантириш ва ҳар бир коммунист учун энг муҳим бўлган вазифа — партиямизнинг актив сиёсий жангчиси бўлишдир. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ана шу ҳақда алоҳида таъкидланган.

Хўжалигимизда ишчилар, механизаторлар, чорвадор ва соҳибкорларнинг ғоявий-сиёсий ва иқтисодий билимини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил совхозимизда ўн бир жойда иқтисодий таълим мактаблари ташкил қилиниб, уларга 222 тингловчи жалб этилган. Партия комитети ҳар бир машғулотнинг самарали, таъсирчан ва қизиқарли ўтишини таъминлаш мақсадида ўқув йили бошланишидан анча олдин бу ишга пухта тайёргарлик кўрди. Барча пропагандистлар аттестациядан ўтказилди. Район партия комитетида ташкил этилган семинарлар пропагандистларнинг билимини, тажрибасини янада бойитди. Партия ташкилоти шунингдек, ҳар бир тингловчини касб-кори, билим даражаси ва хизмат вазифасини қатъий эътиборга олиб, ўқишнинг у ёки бу турига жалб қилди.

Мен пропагандистлик қилаётган бўлимда иқтисодий ўқувга 23 тингловчи тортилган. Машғулотлар Добролюбов номли ўрта мактабнинг ўқитувчилар кабинетида ўтказилади. Бу кабинет кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланган. Унда ўн иккинчи беш йилликда автоном республика, район ва шунингдек хўжалигимизни иқтисодий ва социал ривожлантириш ва ҳар бир коммунист учун энг муҳим бўлган вазифа — партиямизнинг актив сиёсий жангчиси бўлишдир. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ана шу ҳақда алоҳида таъкидланган.

Совхозимизнинг ҳар бир меҳнатчиси — Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг актив қатнашчиси. Улар ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили плантопширириларини барча соҳалар бўйича ошириб бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу курашга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган идеология ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ў. НУРМОНОВ,
Кегайли районидаги «Халқобод» совхозининг бош экономисти, иқтисодий таълим мактабининг пропагандисти.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ— ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎЛИ

Республикада 14 ноябрда ўтадиган Ягона сиёсий кун мавзуи

1. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш концепциясини олға сурди. Бу концепцияни партия XXVII съезди якдиллик билан маъқуллади.

Жадаллаштириш концепцияси — даврнинг долзарб талаби бўлиб, у даставвал 70—80-йиллар бошларида мамлакатда юзага келган ички вазият билан боғлиқдир. Ўша вақтда иқтисодий ва социал ривожланишда анчагина қийинчиликлар ва салбий ҳодисалар пайдо бўлди: ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари сезиларли даражада пасайиб кетди, фонд самарадорлиги кўрсаткичлари ёмонлашди, фан-техника тараққиёти секинлашди, экономикада номутаносиблик сезилиб қолди. Натижада партия томонидан иқтисодий ўсиш ва социал соҳани ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар бажарилмай қолди. Ижтимоий эҳтиёжлар билан ишлаб чиқаришда эришилган даража ўртасида, аҳолининг харид қилиш эҳтиёжи билан ана шу эҳтиёжни материаллар билан қоплаш ўртасида узилиш пайдо бўлди. Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамай, халқ хўжалиги инерция бўйича экстенсив асосда ривожланишда давом этаверди.

Партия экономикадаги салбий ҳодисаларнинг таҳлилидан ниҳоятда жиддий хулосалар чиқариб, экономика тараққиётидаги номатлуб тенденцияларни қатъиян ва юксак жўшқинлик бахш этиш, революцион ўзгартишлар, омма ташаббуси ва ижодкорлигига кенг йўл очиб бериш вазифасини олға сурди.

Жадаллаштириш концепцияси ҳозирги халқаро вазият билан ҳам боғлиқдир. Кейинги йилларда халқаро вазият империализмнинг, хусусан Америка империализмининг айби билан ниҳоятда кескинлашиб кетди, қуролланиш пойгаси авж олди, реал ҳарбий хавф кучайди. Бу, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, ядро ҳалокати олдини олиш юзасидан кескин чоралар кўришни талаб қилди. Жадаллаштириш мамлакат иқтисодий ва мудофаа потенциалини, жаҳон социалистик ҳамдўстлигини янада мустаҳкамлашга даъват этилган.

Жадаллаштириш концепцияси, шунингдек, партиянинг 2000 йилгача ва ундан кейинги истиқболга мўлжалланган янги йўли фундаментал назарий ва амалий асосларининг ифодасини ҳам, таркиб топган бир қолипдаги фикрлаш ва догматик амалиётдан воз кечишни ҳам, янги вазифаларни равшан тушунишни ҳам, одамларнинг, хусусан раҳбарларнинг тафаккури ва психологиясида тубли силжишга интилишни ҳам билдиради. Шунинг учун **жадаллаштириш концепцияси** айни вақтда **жадаллаштириш стратегияси** ҳамдирки, у назария ва амалиётнинг, фикр ва ҳаракатнинг, ғоя ва сиёсатнинг узвий бирлигини назарда тутади.

Жадаллаштириш деганда кенг маънода нима тушинилади?

— Суръатларни ошириш, иқтисодий ўсишнинг янги сифати, фан-техника тараққиёти, экономикани структура жиҳатидан қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формалари негизида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенфикациялаш.

— Актив социал сиёсат ўтказиш, адолат принципини изчил қарор топтириш, тақсимлаш механизмини текисчиликдан, меҳнатсиз даромадлардан тозалаш, ҳар бир ходим ва коллектив моддий аҳволининг улар меҳнати натижаларига бевосита боғлиқлигини таъминлаш.

— Ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, сиёсий ва идеологик институтлар иши форма ҳамда методларини янгилаш, социалистик демократияни чуқурлаштириш.

— Ёмон одат, турғунлик ва консерватизмни, ижтимоий тараққиётга ҳалақит берадиган жамики нарсани қатъиян бартараф этиш.

Бошқача қилиб айтганда, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — бу барча проблемаларимизни — энг яқин ва истиқболдаги, иқтисодий ва социал, сиёсий ва идеологик, ички ва ташқи проблемаларимизни ҳал этиш калитидир. Жадаллаштириш концепцияси ва стратегияси ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсификациялаш асосида ривожлантиришга йўналтиради, унинг моҳияти жонли меҳнат ва материалларни нисбатан кам сарфлаган ҳолда кўпроқ, тезроқ, арзонроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Интенсификациялашнинг бош дастаги, асосий воситаси — фан-техника тараққиётини асосли равишда жадаллаштириш, принцип жиҳатдан янги, ресурсларни тежовчи технологик жараёнларга, техниканинг янги туркумларини қўллашга ўтишдан иборатдир. Бошқа муҳим восита хўжалик механизмини, умуман бошқариш системасини тубдан, сифат жиҳатидан такомиллаштиришдир. Бундан кузатилган мақсад фан-техника тараққиёти суръатларини кескин жадаллаштириш, мавжуд ресурслардан самаралироқ фойдаланиш имконини берадиган хўжалик юритиш механизмини яратишдир.

Бундай имкониятлар қаерда ўзи?

Мамлакатдаги ишлар ва авваламбор халқ хўжалигидаги ишлар аҳволини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, партия шундай хулосага келди: бизда улкан резервлар ва имкониятлар бор, аммо улардан лозим даражада фойдаланилмайди.

Энг муҳими ташкилий-иқтисодий ва социал имкониятлар бўлиб, улар инсон омилини активлаштириш, ташаббускорликни, ҳар бир совет гражданининг ижодкорлигини юксалтириш, уюшқоқлик ва тартибни, интизом ва масъулиятни оширишдан иборатдир.

Бошқа бир катта резерв — ҳамма жойда ва ҳамма нарсани ниҳоятда тежаб-тергаб ишлатишдадир: жонли меҳнат, ҳом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергияни тежаш керак; ишлаб чиқаришда ва турмушда, қишлоқ хўжалигида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарда тежамкор бўлиш керак.

Илғор тажрибани ўз вақтида илғаб олиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенг тарқатиш — яна бир муҳим резервдир. Бутун мамлакат, шунингдек республикамиз бундай тажрибаларга бойдир.

Партиямиз халқ фаровонлигини оғишмай юксалтириб боришни социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг олий мақсади деб билади. Бу вазифани фақат жамиятни жадал ривожлантириш, бутун ишни тубдан қайта қуриш йўли билан муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Қайта қуришнинг ўзи нима, уни қандай тушуниш керак, қайта қуришни нимадан бошлаш керак?— ҳозирча ҳамма жойда ана шундай саволларни бермоқдалар. Хабаровск ўлка партия ташкилоти активи кенгашида сўзлаган нутқида М. С. Горбачев бу саволларга лўнда ва равшан жавоб берди: «Қайта қуришни, қайта қуриш борасидаги жамики ишларни ҳар бир киши ўзидан, ўзининг гражданлик позициясини белгилаб олишдан, сиёсий, меҳнат фаолиятини активлаштиришдан, топширилган иш учун, пировард натижалар учун жавобгарликни кучайтиришдан бошлаши керак».

Қайта қуриш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган умумхалқ ишидир, у жамиятнинг барча табақаларини — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, коммунистлар ва партиясизларни, турли авлодларни қамраб олиши керак. Ҳозирда унинг моҳияти тобора аниқроқ намоён бўлмоқда — у бир марталик, бирданига бажариладиган иш бўлмай, муайян тарихий давр доирасида амалга ошириладиган ўзаро боғланган жараёндир.

2. Партия XXVII съездидан бери ўтган вақт ичида совет жамияти барча соҳаларда — сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда ҳаракатга келди. Ўй-фикрлар энергияси амалий ҳаракатлар энергиясига айланмоқда. Бутун мамлакатда, шу жумладан Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари оша бориши тенденцияси намоён бўлди. Шу йилнинг ўн ойи якунлари саноат барқарорроқ суръатларда ривожлана бошлаганини кўрсатди. Саноат маҳсулоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 процент кўпайди, ана шу ўсишнинг 63 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди. Машинасозлик, кўмир ва газ саноатининг ўсиши дадиллик касб этмоқда.

Экономиканинг аграр секторида хўжалик йили якунланмоқда. Гўшт, сут, тухум етиштириш кўпайди. Республика далаларида 5,7 миллион тонна пахтани териб олиш ва давлатга сотиш учун матонатли кураш кетмоқда.

Экономикани ривожлантиришнинг социал йўналиши кучайди. Озиқ-овқат товарлари, халқ истеъмоли, маданий-маиший ва хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган моллар ишлаб чиқариш планлари бажарилди, уларни савдо тармоқлари орқали сотиш кўпайди, товар ресурсларининг оборот қилиши тезлашди, алкоголли ичимликлар сотиш кескин камайди, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлар билан таъминлаш бир мунча яхшиланди, аҳолидан ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат системаси тартибга солинмоқда, уй-жой ва социал-маданий қурилишлар миқёслари кенгаймоқда.

Шу билан бирга, республика халқ хўжалигида ҳамон жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналардан 157 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9 ойлик планини уддалай олмадилар, ҳар уч корхонанинг бири шартнома интизомини бузди. Етказиб берилганини ҳам ҳисобга олганда, маҳсулот реализация қилишнинг амалдаги ҳажми планда кўзда тутилган кўрсаткичлардан паст бўлди. 220 бирлашма ва корхона халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш планини бажармадилар, ҳар тўрт корхонанинг бири бундай товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборди. 219 ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхоналар меҳнат унумдорлигини ўстириш плани бажарилишини таъминламадилар, 314 корхона эса бу кўрсаткични ўтган йилги даражадан пасайтириб юборди. Ишлаб чиқариш ҳувватларидан ҳали ҳам ёмон фойдаланилмоқдаки, бу маҳсулот чиқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Саноат корхоналари коллективлари йўл қўйган қолоқлик катта тиғизликни келтириб чиқармоқда. Ноябрь-декабрь ойларида бу қолоқликни бартараф этиб, ўртача суткалик маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган даврга нисбатан 15,9 процент кўпайтириш лозим бўлади.

Бой берилган имкониятлар ўрнини фақат матонатли меҳнат, штурмчиликка барҳам бериш, ҳар бир бирлашма ва корхонада маромли ишни йўлга қўйиш орқалигина тўлдириш ва навбатдаги план-топширириларини уддалаш мумкин.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Ўткир ҲОШИМОВ.
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати

ФИДОЙИЛАР

Пахтакорнинг меҳнати дунёнинг етти иқлими учун зарур. Агар бутун Ўзбекистон пахтакори заҳмат чекмаса, ўзимиз-ку ўзимиз, бизга ҳамкор ўнлаб мамлакатларнинг юзлаб корхоналари, ўша корхоналарда ишлайдиган минглаб меҳнаткашларнинг қисмати издан чиқиб кетади. Негаки, пахтага кўз тикиб турган давлатлар оз эмас. Эҳтимол оддий сувчи ёки механизатор, оддий колхозчи ёки ҳашарчи масалани худди шу тарзда қўймас. Аммо йил бўйи тер тўкиб етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб олиш кераклигини, пахта деганимиз ниҳоятда керакли нарса эканлигини яхши тушунади. Шу боисдан ҳам ўзини қуруққа олиб қочишни ор деб билади.

Дарвоқе, пахтанинг нақадар қимматли эканлиги ҳақида бир далил. Бундан бир неча йил илгари «Вокруг света» журналида Тунгуска метеорити ҳақида қизиқарли мақола босилди. Биласиз, асримизнинг бошида Тунгуска дарёси яқинига коинотдан улкан метеорит тушган. Унинг ерга уриниш зарбаси шу қадар кучли бўлганки, минглаб чақирим нарида ҳам қаттиқ зилзила рўй берган. Тайгадаги катта ўрмонлар ёниб кетган. Бироқ орадан кўп ўтмай худди ўша ўрмонлар шу қадар тез ўса бошлаганки, мутахассислар ҳайрон бўлиб қолишган. Нима бу?! Табиат ўзгардими? Е ўрмонлар ёниб, ўзига ўзи ўғит бўлдими? Йўқ! Синчиклаб олиб борилган тадқиқотлар шуни исботладики, «самодан келган меҳмон» ўзи билан ғалати космик минерал олиб тушган экан. Бу минерал ҳар қандай ўсимликнинг ҳосилдорлигини бир неча баравар ошириб юборар экан. Олимлар ўша минерални лаборатория усулида синтез қилишга ҳам муваффақ бўлишган. Мухбир савол беради: «Шу минерални саноатда ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигида ишлатса бўлмайдими?» Олимлар жавоб қилишади: «Жуда қийин, минерал қимматга тушади, таннархини оқлай олмайди». Наҳотки, биронта ўсимликда ҳам бу минерал ўзини оқламаса?» «Фақат ингичка толали пахтада ишлатилса фойда кўриш мумкин!»

Яқинда биз — бир гуруҳ ёзувчилар худди ўша энг қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахтани етиштирадиган кишилар — Сурхондарё ва Қашқадарё деҳқонлари орасида бўлдик. Айтадиган гап кўп. Лекин менимча, кўрганларимизни битта сўзга жойлаш мумкин. Бу сўзнинг номи — фидойилик. Шунчалик машаққат билан тер тўкиб ҳосил етиштирган, ўша ҳосилни кеча-кундуз тиним билмай йиғиштириб олаётган одамларнинг қилаётган иши — фидойилик.

Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг бригада бошлиғи етмиш тўрт ёшли Камол ота Шаропов эллик йилдан бери бригадир эканини, тўрт ўғли механизатор эканини, ингичка толали пахтанинг 90 процентини машинада териб олишгани, ҳосилдорликни гектаридан 45 центнерга етказишни мўлжаллаб қўйишгани, Жўра Раҳимов 28 йилдан бери тракторчилик қилаётгани, Шерназар Ғойимов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси айниқса, ғайрат билан ишлаётгани, «Сурхон» совхози йилига 8 миллион сўм даромад олаётгани, совхозда ўнта болалар боғчаси қурилгани, «Бахт уйи», замонавий касалхона, ғишт заводи борлиги, ҳар йили ишчиларга 45—50 та уй қуриб берилаётгани... буларнинг ҳаммасини айтиш мумкин. Ёки Гагарин, Ленин йўли, Шеробод районларида, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов раҳбарлигидаги Муродов номли совхозда қилинаётган ишлар ҳам шу жумладан. Аммо биз қаламкашлар шуни сездикки, ҳозир бир-бирини қутлаб, бир-бирига гап уқтириб ўтирадиган палла эмас. Биз бу кайфиятни ишчан вазиятда елиб-югуриб юрган партия ходимларидан тортиб, Қашқадарёнинг чўл зоналаридаги пахта териб юрган педагогика ва медицина билим юртларининг студентлари нигоҳида ҳам кўрдик.

Бу йил Қашқадарё учун айниқса, оғир келди. Табиатнинг нотантилигини қаранг-ки, Ульянов, Усмон Юсупов, Нишон каби терим қизиган қатор районларда ёмғир қуйяпти, осмонга термулиб, «Қанийди, ақалли бир томчи нам тушса, қузги лалмини тўрт энликкина ўстириб олардик» деб орзу қилаётган Деҳқонобод районида ёмғирдан дарак йўқ!

Умуман, қашқадарёлик деҳқонлар бу йил кўп синовлардан ўтишди. Саратонда иссиқ эллик даражага кўтарилди. Осмонни чанг-тўзон қоплаб, пахтазорлар устига олов сели бўлиб ёпирилди. Қишда қор бўлмагани, кўкламда ёмғир ёғмагани учун қир-адирлар қовжираб қолди. Ўшанда, Деҳқонобод районида қатта кенгаш қилишди. Ҳамманинг қовоғи солиқ, ҳамма ўйчан. Шунда «СССР 50 йиллиги» совхозидан Умрбува Сафаров деган оқсоқол тўпланганларга ғалати гаплар айтди.

— Болаларим, биламан, ҳозир ҳаммамизгаям оғир. Бунақа қурғоқчилик роса етмиш йил олдин бўлган эди. Ўшанда моллар қирилиб, одамлар очликдан шишиб ўлганини кўрганман. Мен унда ўспирин бола эдим. Аммо ўз кўзим билан кўрганман. Тангрихарамда бир қултум сув қолмаганди. Деҳқонободнинг эски номи Тангрихарам эди. Бу жойларга Деҳқонобод деган номни Йўлдош отанинг ўзи берган. Нега деганда биз ҳар буғдой етиштирганимизки, бошоғини кўтаролмай синиб кетарди. Биласанлар, мен 79 ёшимгача далада ишладим. Бир вақтлар учта трактор билан минглаб гектар жойни қайдаганмиз, деққончилик қилганмиз, Московдаги вистапкага олиб борган битта қўчқоримизнинг тоши ўн пуд эди.

Райком Умрбувани мажлисга бекорга чақирмаган эди. Районнинг юзлаб ёшлари емхашак ғамлаш учун сафарга отланишди. Сурхондарёга, Бухорога, Олтойга... Мана, тўрт ойки, ёш-ёш қизлар қўшни областларда янтоқ тайёрлашяпти. Беда эмас, янтоқ... Моллар оч қолмасин, қишда қийналмасин деб. Бунинг оти ҳам фидойилик бўлади.

Районнинг юзлаб одамлари Олтойда—Барнаул областида юрибди, сомон ўриб олишяпти. Умуман, Қашқадарёнинг учта чорвадор райони Барнаулдан сомон жўнатяпти. Одамни ҳайратга соладиган, аниқроғи қувонтирадиган жойи шундаки, Барнаул областидаги ғаллакорлар кеча-кундуз тиним билмай ишлаётган қашқадарёликларга айтишибди: «Жилла қурса ёмғир ёғиб турганда нафас ростланглар. Ана, ўзимиз тўплаб қўйган ғарам. Ўшаларни пресслаб поездга ортаверинглар, бу ёғини биргалашиб амаллармиз...» Қашқадарёликлар ҳам бунга жавобан Барнаулга энг сара меваларни, сабзавотларни совға қилиб жўнатишибди.

Ульянов, Усмон Юсупов номли, Нишон, Ғузор, тағин қатор районларда пахта тераётган ҳашарчилар ҳузурига бордик. Тўғрисини айтиш керак. Баъзи жойларда яшаш шароити яхши. Айниқса, Ульянов районидаги «Ғалаба» совхозида педагогика билим юртининг студентлари жойлашган шийпон. Хоналар иссиқ, ерга шолчалар тўшалган. Пол, шифт, заллар озода. Телевизордан тортиб, кутубхонагача бор. Афсус, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас. Баъзан ҳайрон қолади киши. Терим машиналари-ку, мукаммал эмас. Ўн марта, юз марта, минг марта «ҳашарчи жалб қилмаймиз» деб ваъда берсак ҳам, барибир шаҳардан одам чақирамиз. Шундай экан, нега уларга дурустроқ шароит яратилмайди? Шуни ўйлаганда, яна бир марта одамларимизнинг фидойилигига қойил қоласан киши. Ҳамма жойда, ҳатто энг мураккаб шароитларда ҳам, оддий ўқувчилар, студентлар, колхозчилар бирон марта нолишмади. Бунинг оти ҳам фидойилик

КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, республика Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида қайта қуриш ҳақида кўп гаплар айтилди.

Очиқ эътироф этиш керак, қайта қуришни оддий меҳнаткашлар тўғри тушуняпти. «Шундай қилиш керакми —қиламиз» деяпти. Минг афсуски, туппа-тузук олимларимиз бу жиддий, инқилобий ўзгаришни тушунишни истамаяпти. Сурхондарёда ҳам, Қашқадарёда ҳам иккита масалани қуюниб айтишди.

Биринчиси: олимларимиз «АШ» ҳамда «АИ—98—77» деган ингичка толали пахта навларига тихирлик қилишяпти. Ҳолбуки, бу навларнинг ҳосилдорлиги баланд. Толаси пишиқ. Пахта очилиши билан барги тўкила бошлайди. (Тўғри, ҳаммаси эмас, бир қисми). Хўжаликлар шу навларни экишни хоҳлайди. Лекин баъзи олимлар минг хил баҳоналар билан қаршилик кўрсатяпти.

Иккинчиси: ҳозирги терим машиналари ингичка толали пахта теришга мутлақо ярамайди! Гарчанд оқ пахта билан ипак пахтанинг номи умуман пахта бўлса-да, орасида жуда катта фарқ бор. Биздаги мавжуд машиналар ипак пахтани титиб юборади, ифлослантириб ташлайди. Натижада пахтанинг сорти пасаяди, кўп чиқитга чиқиб кетади. Деҳқондан тортиб партия арбобигача ҳамманинг фикри шу. Устига-устак, ипак пахтани қўлда териш оқ пахтани теришга нисбатан ўн чандон қийин. Сабаб: оқ пахтанинг вазни оғир, ипак пахтаники енгил. Оқ пахтанинг чаноғи орқага қараб очилади, ипак пахтанинг чаноғи ичкарига қараб, «ғижимланиб» туради. Қўл теримида қўлкоп ишлатмаса бўлмайди...

Хўп, олимларимиз нима қиляпти? Бундан салкам қирқ йил аввал қанақа машина яратилган бўлса, принципда ўшанақа машиналарни ҳамон ишлатяпмиз. Янги изланишлар борми? Бор! Шу йил ёзда Анвар Рустамов деган инженер «Шарқ юлдузи» редакциясига йиғлагудек бўлиб келди. Унинг янги терим машинаси Москвада авторлик гувоҳномаси олган. «Бу машина пахтачиликда революция яратади», деб ёзган олимларнинг ҳужжати ҳам қўлида. Машинанинг унумдорлиги жуда баланд. Пахтани дефолиациясиз (яъни, химикатли моддаларни ишлатмасдан) барг орасидан териб олади.

Бай-бай! Етук олимларимизнинг «аллақандай инженерга» қарши курашганлари! Бунақа машинани амалда яратиб бўлмайди, деб кўришди. Машина қимматга тушади, деб кўришди. Металл топилмайди, деб кўришди. Охири лойиҳа институтида машина чизмаларининг параметрларини атайлабдан бузиб чизишди. Ёш ихтирочи судга мурожаат қилди. Суд экспертизаси лойиҳаларда автор чизмалари атайлабдан бузиб кўрсатилганини тасдиқлади.

Ҳайрон қоласан киши! Қайта қуришни олимлардан, зукколардан бошламасдан, кимдан бошлаймиз?! Узоқ йиллардан бери ишлатиб келинаётган машина учун уларга раҳмат дедик. Тағин нима керак?! Илмий-техника революцияси бўлиши керак-ку ахир?!

Мен машинасозлик бўйича мутахассис эмасман. Балки Рустамов яратган машинада камчиликлар оз эмасдир. Аммо ҳозирги машиналар ингичка толали пахтани нест-нобуд қилаётганида шир этиб ёмғир ёғса, оқ пахтани теришга ҳам ярамай, далага киролмай турганида, хўжаликлар ундан нолиётганида, миллионлаб сўм сарф қилиб қўл теримига зўр беришга мажбур бўлаётганида, нима қипти ўша машинанинг тажриба нусхасига ақалли 20—30 минг сўм сарфланса!

Гап маблағда эмас! Гап бизнинг психологиямизда. Ўз манфаатимизни ўйлашимиз, эгардан тушиб қолишдан қўрқишимиз —хуллас худбинлигимизда!

Бироқ халқ, оддий меҳнаткаш, оддий пахтакор ҳудбин эмас! Халқимиз фидойи! Шунга қойил қоламиз. Шунга тасанно айтамиз!

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Москва районидаги Фрунзе номли колхознинг Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Робияхон Мўминова бошлиқ бригада аъзолари съездлар йилида ҳар гектар майдондан 45 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Далаларда юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилди.

Шу кунларда пахта йиғим-терими жадал суръатларда олиб борилмоқда. Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилганлиги ютуқлар омили бўлаётир. Моҳир теримчилардан Муборак Тўраҳўжаева, Комилахон Зокирова, Минаввархон Мирзаева, Эътиборхон Алдаковалар меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсумда хирмонга 8—10 тоннадан пахта териб тўкишга бел боғлашган.

Коллектив аъзолари уюшқоқлик билан меҳнат қилаётганликлари туфайли бригада хўжаликда илғорлар сафида бормоқда.

Қ. МУСАЕВ.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШМОҚДА

Терим суръатига суръат қўшаётган Большевик районидаги Карл Маркс номли колхознинг Бойтўра Кўмаков бошлиқ бригада пахтакорлари зафар маррасини қучдилар. 130 гектар ердан 380 тонна сифатли саноат хом ашёси йиғиб-териб олинди. Шуниси қувончлики, топширилган ҳосилнинг 280 тоннаси уруғлик пахтадир. Улкан хирмон бунёд этишда ҳосилнинг 70 процентини «зангори кема»лар бункеридан тўкишга эришган Мардон Қиличев, Ғайбулло Азимов каби механик-ҳайдовчиларнинг муносиб улушлари бор. Улар шу кунларда ҳам машина билан 2—3 тоннадан дурдона теришмоқда. Коллектив аъзолари мавсум охиригача яна 210 тонна «оқ олтин» йиғиштириб, ҳосилдорликни 46 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилишди.

Р. МУҲАММАДИЕВА.

ЮҚОРИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхознинг 7-агроучасткасига қарашли Совурбой Комилов бошлиқ бригада пахтакорлари 100 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиб, йиллик планни бажардилар. Давлатга 320 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта етказиб берилди.

Бу ғалабага тажрибали механик-ҳайдовчи Довурбой Сангиров катта ҳисса қўшди. У мавсум давомида ўз «зангори кема»си бункеридан 200 тонна «оқ олтин» тўкди. Айни кунда моҳир механизатор 250 тонналик, бригада аъзолари эса 40 центнерлик маррани кўзлаб, йиғим-теримни қизғин давом эттиришмоқда.

Э. СУВОНОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

Телетайп лентасидан

● ПХЕНЬЯН

КХДР меҳнаткашлари космосни ҳарбийлаштиришга йўл қўймасликка, ядро қуролларини бутунлай тугатишга, бутун дунёда тинчликни таъминлашга қаратилган Совет тинчлик ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар. Хванхэ-Пукто вилоятининг маъмурий маркази, йирик саноат шаҳри Саривонда бўлиб ўтган Корея—Совет дўстлиги митингида шу ҳақда гапирилди. Нотиқлар СССРнинг Олий даражада Рейкьявикда ўтказилган Совет—Америка учрашувидаги позициясини қўллаб-қувватладилар. Улар Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорликни муттасил мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга азму қарор берганликларини изҳор этдилар. Бу нарса корейс халқининг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётганлиги уқтириб ўтилди.

● ЖЕНЕВА

Бу ерда Швейцария Меҳнат партиясининг органи — «Вореалите» газетасининг анъанавий байрами тугади. Бу йилги байрам ҳокимиятнинг маҳаллий органларига 1987 йил кўпламида ўтказиладиган сайлов арафасида кучларни сафарбар қилиш белгиси остида ўтди. Бу сайловда Швейцария Меҳнат партияси кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ҳимоя қилиш, социал тараққиёт, тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш шиорлари билан қатнашади.

● НЬЮ-ЙОРК

Американинг мана шу энг катта шаҳрида «АҚШнинг Марказий Америкадаги аралашуви тўхатилсин!», «Марказий Америка мамлакатларининг халқлари қуролга эмас, балки дори-дармонга муҳтождирлар!» деган шиорлар остида оммавий намойиш бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари Вашингтоннинг Марказий Америкадаги интервенциячилик йўлига қарши кескин норозилик билдирдилар, Рейган маъмуриятининг Никарагуа ва Сальвадор халқларига қарши бошлаган пинҳона урушига чек қўйишни талаб қилдилар.

● БУЭНОС-АЙРЕС

Чилидан олинган хабарларга қараганда, у ерда фашист Пиночет режимининг террори ва репрессияларига қарши норозилик ғалаёнлари тўхтовсиз давом этмоқда. Бир қанча ўқув юртларининг ўқувчилари Сантьягодаги лицейлардан бирининг дарсхоналарини эгаллаб олиб, фашистлар режими Пиночетга суиқасд қилинганидан кейин икки ой муқаддам жорий этган қамал ҳолати даҳол бекор этилишини талаб қилдилар.

● БИСАУ

Гвинея ва Кабо-Верде оролларининг мустақиллиги Африкаликлар партиясининг IV съезди Гвинея-Бисау республикасининг пойтахтида очилди. Съезд ишида 30 тадан кўпроқ чет эл делегацияси, шу жумладан КПСС Марказий Комитетининг вакили, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов бошчилигидаги КПСС делегацияси қатнашмоқда. (ТАСС.)

Вашингтон маъмурияти Марказий Америкада ўз тазйиқини кучайтирмоқда. АҚШнинг асосий мақсади Никарагуа қонуний ҳукуматини ағдариб ташлашдир. Бироқ Вашингтон томонидан революция душманларига ёрдам учун ажратилган миллионлаб доллар маблағнинг кучи ҳукуматни тормор қилишга ва эски тартибни тиклашга қодир эмас. Америка Қўшма Штатлари ўз мақсадларига эришиш йўлида Сандиночилар миллий озодлик фронти жангчиларининг кескин қаршилигига дуч келяпти. Халқ ҳокимиятини ҳимоя қилишга республиканинг минглаб гражданлари отланган. Шу кунларда мамлакатда халқ милициясининг янги отрядлари тузилмоқда. Уларга қабул қилинган кишилар революция эришган ютуқларни матонат билан ҳимоя қилишга тайёрдирлар.

Суратда: халқ милициясининг отрядларига қабул қилиш пайти.

Пренса —Латина —ТАСС фотоси.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА ЛЕРУАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ. Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, «Юманите» газетасининг сиёсий директори Ролан Леруа Ғарбда Сурияга қарши авж олдирилган кампанияни кескин қоралади. У «Монте-Карло радиоси» радиостанциясининг мухбири билан суҳбатда Сурия терроризмга алоқадор, деб унга қарши қўйилаётган айблар ҳеч қандай далиллар билан исботланмаётганини таъкидлади.

Р. Леруа Францияга тазйиқ ўтказиш кампаниясига эътиборни қаратди, бу кампаниянинг ташкилотчилари Париж Сурия билан дипломатия муносабатларини узишига эришишга уринмоқдалар. Бу қадам Франциянинг миллий манфаатларига, унинг Яқин Шарқдаги снёсатига мутлақо зид келган бўлур эди, деди у. Шу билан Р. Леруа Лондон аэропортида Исроил самолётини портлатишни уюштиришга қилинган уринишга Исроил махсус маҳкамаларининг дахлдорлиги тўғрисидаги хабарларга тўхталиб, мана шундай террорчилик ҳаракатларида Исроил махсус маҳкамаларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала биринчи марта қўйилмаётганлигини ўқтириб ўтди.

«Юманите» газетасининг сиёсий директори Жанубий Африка режимининг бошлиғи П. Ботанинг бугун Францияга бошланадиган визитини кескин танқид қилди. Париж расмий доиралари бу визитни «хусусий сафар» деб кўрсатишга интилмоқдалар. Ўзининг қонли жиноятлари билан маълум бўлган ирқчининг келишини ўтакетган можаро деб тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкин, деди у. Қотиллар ҳукуматининг бошлиғига француз диёрида ўрин йўқ. Франция Коммунистик партияси, мамлакатнинг тараққийпарвар жамоатчилиги бу игвогарликни кескин қораламоқдалар.

Партия ташкилотлари, касаба союз комитетлари, хўжалик раҳбарлари меҳнат коллективлари фаолиятида ҳал қилувчи бўғинларни аниқ белгилаб чиқишлари, меҳнат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юксак пировард натижаларга эришиш билан боғлиқ бўлган масалаларни тезкорлик билан ҳал этишни таъминлашлари, бракчилар йўлига қатъий ғов солишлари, ишлаб чиқариш сифатини оширишга эътиборни кучайтиришлари зарур. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, юқори сифат фан-техника тараққиётининг энг муҳим кўрсаткичидир, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг кўзгусидир, меҳнат ва материал ресурсларини иқтисод қилиш манбаидир, совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш воситасидир.

Қишлоқ хўжалигида кўпгина ҳал қилинмаган проблемалар йиғилиб қолди: республикада пахта йиғим-терими оқсамоқда, чорва озуқаси тайёрлаш қониқарли эмас, давлатга сут сотиш плани бажарилмаётир. Мева-чевалар ва полизчилик маҳсулотлари ўтган йилга қараганда кам тайёрланди, магазинлар пештахталарига паст сортли ва ностандарт маҳсулотлар келтирилиши давом этмоқда.

Барча қишлоқ хўжалик экинлари ва энг аввало пахта йиғим-теримини муваффақиятли тугаллаш, чорвачилик биноларини қишга тайёрлаш, озуқа цехлари ва пичан сақланадиган омборхоналар қурилишини жадаллаштириш юзасидан шошилинч чора-тадбирларни амалга ошириш зарурдир.

Республикада капитал қурилишда танг вазият вужудга келди. Кейинги вақтда аҳволни яхшилаш юзасидан чоралар кўрилганига қарамай, бу соҳада ҳали арзийдиган бурилиш рўй бермаётир, асосий кўрсаткичлар бўйича — асосий фондларни, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва социал соҳа объектларини ишга тушириш, шунингдек капитал сарфлар ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича планлар сурункасига бажарилмаётир, айниқса мактабгача тарбия муассасалари, поликлиника ва шифохоналарни ишга тушириш бўйича қолоқлик муттасил авж олмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси октябрь ойидаги мажлисида капитал қурилишга партиявий раҳбарликдаги жиддий камчиликларни кўриб чиқди, тармоқдаги ишлар аҳволини тубдан яхшилашни, қолоқликка барҳам бериб, капитал қурилиш йиллик плани бажарилишини сўзсиз равишда таъминлашни талаб қилди.

Қурувчилар олдида меҳнатни пухта ташкил этиш, топширилган иш учун ҳар бир ижрочи масъулиятини ошириш, икки ва уч сменали ишлашга ўтиш, қурилиш техникаси ва механизмларидан тўлароқ фойдаланиш каби юмушлар илгаригидек долзарб вазифа бўлиб турибди. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари тольяттиликларнинг меҳнат коллективлари асосий ишдан бўш бўлган тўрт кун мобайнида социал-маданий-маиший объектлар қурилишида ишлаб бериши тўғрисидаги ташаббусини дадиллик билан оммалаштиришлари даркор. Умумий овқатланиш, савдо ва транспорт хизмати соҳаларини тартибга солиш ишларида ҳам пайсалчиликка барҳам бериш лозим.

Автомобиль транспорти корхоналари коллективлари юклар ва йўловчилар ташишдаги қолоқликка барҳам беришлари, автотранспорт техникасидан янада тўлиқроқ фойдаланишга, юксиз қатновларни камайтиришга, капитал ремонтсиз ишлаш муддатларини кўпайтиришга эришишлари керак. Республика аҳолисига, айниқса пахта теримида банд бўлганларга савдо, маиший ва маданий хизматни янада яхшилаш талаб этилади.

Социалистик мусобақа таъсирчанлигини, омма ташаббуси ва ижодкорлигини юксалтириш зарур. Ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш системасини планлаштиришни социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан пухта боғлаш лозимдир.

Меҳнат интизомини, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш бўйича, ичкиликбозлик ва алкоголизмга, меҳнатсиз даромадларга қарши кураш бўйича ишларни сабот билан давом эттириш, ҳалол ва виждонан қилинган меҳнатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш керак.

Олдимизда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг октябрь ойида бўлиб ўтган III пленуми республикада тарқалган негатив ҳолатларнинг идеологик сабабларини чуқур таҳлил қилиб чиқди. Уларга лозим даражада партиявий баҳо берди, партиянинг ҳозирги талаблари асосида идеология ишини қайта қуришнинг йўли ва йўналишларини белгилаб берди. Пленум партия ташкилотлари фаолиятидан сафсатабозлик ва насиҳатгўйликни, дабдабабозлик ва хўжакўрсинчликни қатъиян суриб чиқаришни, одамлар билан яккамаякка иш олиб боришни талаб қилди. Шуни унутмаслик керакки, партиявий раҳбарликнинг барча даражаларида сиёсий, ташкилотчилик ва идеология ишларини ҳар томонлама яхши йўлга қўйишнинг республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифалари бажарилишини таъминлайди.

Октябрь ойи охирида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқди. Бу ҳужжатларда асосий эътибор экономикада шу йилда эришилган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстиришнинг узоқ муддатли омилларини янада тўлароқ ҳаракатга келтиришга қаратилди.

План топшириқлари, шунингдек, меҳнат коллективлари қабул қилган муқобил планлар ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун партия, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ҳамма жойларда ташкилотчилик ишларини авж олдиришлари зарурлиги уқтирилди. Ана шу мақсадларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини пул билан таъминлаш принципларидан иложи борича самарали фойдаланиш, йил давомида маромли ишлашни таъминлаш, мавжуд резервларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, хўжалик юритишнинг барча даражаларида уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш лозим бўлади.

3. КПСС социал соҳада социализмда ижтимоий ишлаб чиқариш тўла фаровонликни ва жамиятнинг барча аъзолари эркин равишда ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши керак, деган ленинча қоидага амал қилади. Партия социал снёсатга мамлакат тараққиётини жадаллаштириш, омманинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини юксалтириш, янги инсонни шакллантириш, социалистик турмуш тарзини барқарор қилишнинг қудратли воситаси деб қарайди.

КПСС XXVII съезди ўн иккинчи беш йилликда кенг миқёсли социал программани олға сурдики, у инсон тўғрисида чуқур ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир. Бу программа совет кишилари турмушининг барча томонларини қамраб олади, халқ фаровонлигини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради.

Маълумки, социализмда меҳнатга яраша ҳақ тўлаш ҳаёт кечириш ва меҳнаткашлар даромадининг асосий воситасидир. Тақсимлашнинг социал адолатли принципи — «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципига қатъий мос равишда шу беш йилликда меҳнатига кўра ҳақ тўлашни такомиллаштириш давом эттирилади, ходимларни рағбатлантириш миқдори уларнинг конкрет меҳнат ҳиссалари билан тобора пухтароқ боғланади, текисчилик элементлари қатъиятлик билан бартараф этилади.

Яқин вақт ичида мамлакатда ишлаб чиқариш соҳалари ходимларининг тариф ставкалари ва маошларини ошириш бошланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, бунинг учун илгари мамлакат давлат бюджетидан анчагина қўшимча маблағ ажратилган бўлса, эндиликда зарур ресурсларнинг катта қисмини корхоналар ва ташкилотларнинг ўзлари меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг ишчи резервларини сафарбар этиш, нормалаштиришни такомиллаштириш, иш вақти йўқотилишига барҳам беришдан қидириб топишлари керак. Кам сонли ходимлар билан ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш орқали иқтисод қилинган иш ҳақи фонди тариф ставкалари ва маошларни оширишга йўналтирилади. Янги вазият ҳар бир ходимнинг — у хоҳ конструктор, технолог, бош инженер, мастер ёки ишчи бўлсин — фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсификациялашга қўшган шахсий ҳиссасини тўлароқ ҳисобга олиш имконини беради.

Меҳнатга яраша ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида ходимларга бериладиган мукофотлар миқдорини белгилашда корхоналар ва ташкилотлар янада кенг ҳуқуқларга эга бўладилар, мукофотлаш системасининг ўзи эса меҳнат унумдорлигини ўстириш, янги техника чиқариш топшириқларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот етказиб бериш, маҳсулот сифати ва ресурслари иқтисод қилиш кўрсаткичлари планининг бажарилишини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида иш ҳақи системасини такомиллаштириш тўғрисидаги янги қоида ва иш ҳақини меҳнат коллективлари яратадиган маблағлар ҳисобига ошириш 75 миллион кишининг, шу жумладан бизнинг республикамиздан 3 миллиондан ортиқ ходимнинг умум ишига қўшган ҳиссаси, унинг меҳнатга муносабати билан ижтимоий фондлардан рағбатлантириш даражаси ўртасидаги боғлиқликни тўлароқ ҳисобга олишга даъват этилгандир. Бу қоидани партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ҳам эътибордан соқит қилмасликлари зарур. Ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини шундай йўлга қўйиш керакки, токи рағбатлантириш фондларини қўлланиш коллектив аъзолари меҳнат активлигини оширишга кўмаклашишсин.

Ишчилар синфи сафларини маҳаллий миллат кишилари ҳисобига сабот билан кўпайтира бориш катта социал аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Уй-жой проблемасини сабот билан ҳал этиш талаб қилинади. Аҳолини озиқ-овқат, халқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаси ишлари жиддий равишда яхшиланишга муҳтождир. Социал-маданий соҳанинг моддий-техника базасини изчил равишда мустаҳкамлаб бориш зарур.

Бутун совет халқи сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам масъулиятли паллага қадам қўйишди— ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилини якунлаш яқинлашмоқда. Барча кўрсаткичлар бўйича план топшириқларининг ҳамма гармоқлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар томонидан бажарилиши беш йилликнинг иккинчи йили ишончли старт олиши учун мустаҳкам асос яратишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлади. Барча совет кишиларининг, барча меҳнат коллективларининг куч-ғайрати, билимлари, тажрибалари тўла сафарбар этилган тақдирдагина шу вазифаларни ўринлатиш мумкин. Бу республика социал-иқтисодий тараққиёти вазифаларини сўзсиз ҳал этишнинг гарови, энг биринчи шартидир.

Ахборот

ҒОЛИБЛАРГА ГУЛЛАР

● Ўрта Чирчиқ районидаги тикувчилик фабрикасининг дарвозаси олдида «Молния» пайдо бўлди: илғор ишчилардан Зулфия Нажимова, Надежда Селезнева ва Елизавета Ким 1987 йил июнь ойи ҳисобига ишлай бошлаганлар.

Бу ерда ўн икки тикувчи икки беш йилликни бир беш йилликда бажаришга, яна юз эллик киши икки йиллик программани Улуғ Октябрь байрамининг 70 йиллигигача бажаришга қарор қилганлар.

ПЕШҚАДАМЛИК ТУФАЙЛИ

● Бутун бригада билан... отпускага. Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасидан Н. Снбирякова бошлиқ бригаданинг 60 нафар тикувчи-мотористкаси меҳнат отпускаларини бригаликда ўтказишди.

Улар касаба союзининг бепул йўлланмаси билан Олмаотада хордиқ чиқардилар. Бригада мусобақаларда мунтазам равишда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда, баҳорги ленинча шанбаликда у энг яхши бригада, деб эътироф этилди. Тикувчилар ана шу муваффақиятлари учун касаба союз комитетининг мукофотига сазовор бўлди.

КАСАНАЧИЛАР ҲИССАСИ

● Олмалиқ тикув фабрикасининг касаначилари йил бошидан бери қарийб ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Уй бекалари, вақтинчалик ишламаётган аёллар, пенсионерлар корхонадан ишлаб чиқариш топшириқларини олиб, келишилган муддатда тайёрлаб беришади. Улар болалар кийимларига заготовкалар, фартуклар ва бошқа унча мураккаб бўлмаган буюмлар тикишади. Касаначилар декабрь ойининг охиригача яна 100 минг сўмлик маҳсулот беришади.

ҲОВЛИ ТУЙИЛАРИ

● Андижонда янги туркумдаги беш қаватли уйларнинг дастлабкисида ҳовли тўйлари ўтказилди.

Маҳаллий уйсозлик комбинатининг хўжалик ҳисобидаги бригадалари бу уйни муддатидан уч ой олдин қуриб битказишди. Квартираларни пардозлаш ишида уларнинг бўлажак эгалари катта ёрдам кўрсатишди. Уй билан ёнма-ён арғимчоқлари, турниги, қумлоғи бўлган болалар майдончаси бунёд этилди. Яшил зона барпо этилди —ўнлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Андижонлик қурувчилар ўтган ойда қарийб 11 минг квадрат метр уйжойни фойдаланишга топширдилар.

(ЎзТАГ).

МАИШИЙ ХИЗМАТ МУАММОЛАРИ

БАҲС БУРЧАГИ

Республика маиший хизмат тармоқлари 1984 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил қилишнинг янги системасига ўтказилди. Бунй эксперимент деб атадилар. Хўш, эксперимент қандай натижалар берди? У ҳаёт синовидан қандай ўтмоқда?

БИР ҚЎШЧИГА ЎН БОШЧИ

1. ҚАРЗЛАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

«Облшвейтрикотаж» ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Ашурбой Қўзибоевнинг боши қотган. Ателье ва цехларда иш юришмаётир. Буюртмачилар сони тобора камайиб бормоқда. Биргина Термиз шаҳридаги «Гўзал» маиший хизмат уйини олайлик. Эртадан-кечгача бу ер буюртмачилар билан тирбанд бўларди. Биров ўзига ёққан матодан костюм-шим буюрса, бошқа биров Марғилон атласидан кўйлак тикиб беришларини илтимос қиларди. Студент-ёшларни айтмайсизми! Уларга энг сўнгги модадаги кийимларни ателье-нинг қўли гул чеварлари тикиб беришарди. Энди-чи? Бу ерга мижозлар келмай қўйишди. Ҳозир ательеда буюртмани вақтида бажарадиган тикувчи мастерлар ҳам қолмади. Чунки икки йил ичида мижозлар кескин камайиб кетганидан кейин ўнлаб мураббий тикувчилар, яна кўплаб истиқболли шогирдлар кетиб қолишди. Бу ердаги баъзи ишчилар бир ой ишлаб, 40-50 сўм иш ҳақи олишади. Шу пул ҳам вақтида берилмайди. Оқибат нима бўлди? Сифатга путур етди. Интизом сусайди. Кийимлар мендан кетгунча — эгасига етгунча қилиб тикиладиган бўлди. Натижада бу бинога бир қадам қўйган мижоз унинг эшигидан иккинчи бор мўраламади.

Маиший хизмат уйи аввалари шаҳар савдо базасидан, баъзан эса «Текстильторг» базасидан газламаларни танлаб оларди. Ҳозир газлама «Облшвейтрикотажбыт» бирлашмаси омбори орқали берилади. Бирлашма базаси эса область бўйича битта. Тикувчилик ателье ва цехлари шаҳарнинг ўзида бир нечта. Областда эса 12 та район, 2 та шаҳар, 5 та район қарамоғидаги шаҳар бор. Улардаги ҳамма ателье мудирлари, цех бошлиқлари газламаларни танлаб олишни хоҳлайдилар. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бирлашма омборида қўлга илинадиган газламанинг ўзи йўқ. Яқинда биз область молия бўлимида бир ҳужжат билан танишдик. У область ижроия комитети раиси номига ёзилган ахборотнома эди. Гап шундаки, «Текстильторг» область базаси раҳбарлари область молия бўлимига мурожаат қилишди: «Облшвейтрикотажбыт» бирлашмаси планлаштирилган товарларни базадан тўла олмаётир! Бу эса база умумий оборот планининг бажарилишига салбий таъсир қилмоқда».

Ажабо, Ашурбой Қўзибоев базада қалашиб ётган газламаларни нега олмаяпти?

Йўқ, бирлашма бошлиғи бу товарларни олишни жуда ҳам хоҳлайди.

У деярли ҳар куни базага қўнғироқ қилади. Ҳар гал худди магнит лентасига ёзилгандай қуйидагича гап-сўзлар такрорланади:

— Бизга тегишли матоларни беринглар, илтимос,— дейди бирлашма бошлиғи.

— Пулини ҳисоб-китоб счётимизга ўтказинг-у, молингизни олиб кетаверинг,— дейишади базадагилар.

— Пул йўқ-да, — дейди бошлиқ. — Илтимос, яна бир марта ҳиммат қилинглар.

— Яна насиягами?!

— Илтимос-да, энди...

— Йўқ, йўқ! — гапни чўрт кесишади базадагилар. — Олдин бўйнингиздаги қарзни тўланг. Сал кам бир миллион сўмга етиб қолди-ку, биродар.

«Облшвейтрикотажбыт»дагилар область банкидан қарз сўрашади. Олдин 1,5 миллион сўм қарзингизни тўланг, дейишади улар ҳам. Лекин шунга қарамай, бу бирлашмада ўтган йили 1 миллион сўмлик планда белгиланганидан ортиқча харажатларга йўл қўйилди. Ноишлаб чиқариш харажатларининг ўзигина 198 минг сўмдан кўпроқни ташкил қилади.

Бошқа бирлашмаларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. «Облфотопрокатразнобыт» бирлашмаси дебитор қарзи 430 минг, «Облбытхимчистка»ники — 186,8 минг, «Облстройрембыт»ники, 136,6 минг, «Облтехсложбытприбор»ники —108,2 минг сўмга етиб қолди.

— Бу қарзларни ким тўлайди— дейди Термиз шаҳар молия бўлими мудири Р. Қаландаров. — Ҳамма бирлашмаларда молиявий танқислик сезилиб турибди. Ахир, хўжалик ҳисобида ишлангандан кейин, марҳамат қилиб, ўз аравасини тортсин-да.

Ўтган йили шаҳар бюджетига улардан 85 минг сўм маблағ кам тушди. Афтидан, эксперимент ҳаёт синовидан ўтолмаётир. Акс ҳолда, шу пайтгача янгилик ўз афзалликларини аллақачон намоён қилиши керак эди. Маиший хизмат эса илгарилаш ўрнига орқага тисарилиб бораётир...

2. ЧУПОН КЎП БЎЛСА...

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи масаласи область партия комитети бюросида муҳокама қилинганига кўп бўлгани йўқ. Бюро область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолияти КПСС XXVII съезди талабларига жавоб бермайди, деган хулосага келди.

1985 йилда бошқарма бўйича реализация плани атиги 67,3 процент бажарилди. Салкам 685 минг сўмлик тайёр маҳсулот ўз харидорини тополмай, омборларда уюм-уюм бўлиб босилиб қолди. Балки тайёр кийимларни сотиш яхши йўлга қўйилмагандир, дерсиз. Йўқ, ателье ишчилари дам олиш кунлари ўз қўллари билан тиккан кийимларни одамлар энг гавжум жойларга чиқарадилар, машиналарда қишлоқма-қишлоқ юриб харидор изладилар. Аммо харидор ҳам аноғи эмас. У ҳушбичим, чиройли ва замонавий тикилган кийим кийишни хоҳлайди. Маиший хизмат корхоналари чиқарган кийим-бошлар эса уларнинг юксак дидига мос келмади.

Шунинг оқибатида ўтган йили маиший хизмат кўрсатиш умумий ҳажми 1984 йилдагига қараганда кескин камайиб кетди. Ўртадаги фарқ қарийб бир миллион сўмни ташкил этди. Айрим бирлашмаларда хизмат кўрсатишнинг 6-7 тури бўйича планлар ярим йўлда қолди. Бу эса аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми камайишига олиб келди. Ҳар бир киши ҳисобига хизмат кўрсатиш областда республика кўрсаткичидан роппароса 7 сўм кам бўлди. Баъзи районларда, жумладан, Сарниосиёда бу соҳадаги план киши бошига 9 сўм 04 тийин, Олтинсойда эса 6 сўм 80 тийиндан тушди. Бу йил ҳам маиший хизмат соҳасида ҳали дурустроқ силжиш сезилганича йўқ.

— Аҳвол нега бу қадар ташвишли? — сўрадик область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи С. Ҳамроевадан.

— Ҳаммаси бирлашмаларга боғлиқ. Улар яхши ишлашса, ишлар юришиб кетади, — деди бошқарма бошлиғи ва стол устидан «Сельская жизнь» газетасини олиб бизга узатди. Газетадаги йирик ҳарфлар билан ёзилган сарлавҳани ўқиймиз: «Қўшинсиз генерал». Султоной Ҳамроевна давом этди. —Аҳволимиз шу. Қўшинсиз генералмиз! Вазифа бор-у, қўлда ҳеч вақо йўқ. Планни бажаринглар, деймиз. Борди-ю, бажаришса, мукофотлаш қўлимиздан келмайди. Чунки бошқарма рағбатлантириш фондига эга эмас. Планни бажараолмаганларни жазолаш ҳам қўлимиздан келмайди Бундай ҳуқуқ бизгамас, бирлашмаларга берилган.

Суҳбатга область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси тафтиш бўлими бошлиғи М. Бобоёров қўшилди. У эҳтиёткорлик билан гап бошлади: «Министрликдагилар билмасин, илтимос. Хафа бўлишади». Дарвоқе, биз бошқарма бошлиғи С. Ҳамроевадан ҳам худди шундай «илтимос»ни эшитгандик. Райондаги бошқа корхоналар, филиаллар бошлиқлари ҳам шуни илтимос қилишди. Ахир бу масалаларни юқори ташкилотдагилар билмаса ким билиши керак!

— Яхшиям, бошқарма қошида тафтиш бўлими ташкил қилинган экан, —дейди Бобоёров.—Бўлмаса, бирлашмалар бошқармага умуман бўйсунмасди. Бошқарма молиявий ишга аралашолмайди. Бу — бир. Бирон маиший хизмат корхонасига техника, асбоб-ускуна, хом ашё, газлама керак бўлса. бошқарма ҳал қилолмайди. Бу — икки. Ойлик масаласига ҳам бошқарма аралашмайди Бу — уч. Бу бошқарманинг қўл-оёғи боғлиқ деган гап эмасми?

Юқоридаги фикрлар изоҳ талаб қилмайди. Бошқарма планнинг бажарилишини назорат қиладиган органга айланиб қолган, холос. Ундай десак, план бирлашмада тузилади. Бирлашма эса бошқармага эмас, тўғридантўғри республика бирлашмаси ёки трестга бўйсунади. Бирлашма бошлиғига бирор маъмурий жазо бериш керак бўлса, трест беради. Бирлашма бошлиғини ишдан олиш лозим бўлса, бу ҳақда область бошқармасидагилардан фикр сўралмайди. Хуллас, бошлиққа тегишли ҳар қандай масалани трест бемалол ҳал қилаверади.

Бу тадбир-қоида республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг йўналиш ва рационализация тизими ҳақидаги 50 саҳифадан иборат Низомида ҳам қайд этилган. Низомда таъкидланганидек, ишлаб чиқариш бирлашмалари-(РИБ — район ишлаб чиқариш бошқармаси)ни тузишдан мақсад аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, меҳнаткашларнинг хизматга бўлган талабини тўлароқ қондириш, хизмат сифатини ошириш ва буюртмаларни тайёрлаш муддатини қисқартириш, ишлаб чиқаришни техникавий жиҳозлашни тезлаштиришдан иборат эди. Аслида шундай бўлдими?

— Очиғини айтганда, — деди Сариосиё район маиший хизмат-ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи А. Намозов, — эксперимент оқибатида икки бошчилик вужудга келди. Районда 154 та маиший хизмат нуқтаси бор. Ҳозир булар тўққизта область бирлашмасига қарайди. Бизнинг районда тўққизта бирлашманинг тўққиз нафар вакили бор. Уларни филиал бошлиқлари деймиз. Улар ҳам, биз ҳам планнинг бажарилишига жавоб берамиз. Янги системага ўтгунимизга қадар бошқариш тартиби ниҳоятда оддий эди. Ҳамма масъулият бир ташкилотга—район маиший хизмат кўрсатиш комбинати зиммасига юкланган эди. Унинг директори битта эди. Энди эса тўққиз бошлиқ. Биз билан ўнта...

Эксперимент баҳонасида бошқарув аппарати ходимлари сони сунъий равишда ниҳоятда кўпайтириб юборилди. Бу эса ишни тартибга солиш, назоратни яхшилаш ўрнига бир-бирини такрорлаш, инкор этиш ва ҳатто, масалан, область бошқармаси билан область бирлашмаси, район бошқармаси билан филиаллар ўртасида турли келишмовчиликлар келиб чиқишига, ҳисоб-китоб ишларини чалкаштириб юборишга, ноишлаб чиқариш харажатларининг ниҳоятда кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Қирқ икки йилдан бери сартарошлик устарасини қўлдан қўймай келаётган Миша Бобоев эса ечимини кутаётган бир масала хусусида гапирди:

— Қайта қуриш нима? Корхонани аввалгисидан қулайроқ, яхшироқ ишлашга ўтказиш. Шундайми? Аммо биз ҳали бирон қулайликни сезганимизча йўқ. Қайтага акси бўлаётир.

— Планлаштиришда система йўқ, — дейди сариосиёлик этикдўз Ҳамдам Аҳмедов. — «Райобувьрембыт» бўйича июнь ойида 20 минг сўмлик пойабзал тикиш плани белгиланган эди. Планни 40 минг сўмга ўзгартиришибди. Район ишлаб чиқариш бошқармаси ва область ишлаб чиқариш бирлашмаси плани бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг қайси бирининг айтганини қилайлик?

— Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда ҳам кўп чалкашликлар бор, — дейди «Облфотопрокатразнобыт» бирлашмасининг Сариосиё районидаги филиали бошлиғи Эркин Зоидов. —Бу ерда узоқ ишлаш қийин. Май ойида тўрт марта Термизга бордим. Термиз биздан 200 километр узоқда. Бошлиқ ўрнида бўлса, иш чала-ярим битади. Агар у бўлмаса, бир кун беҳуда ўтади. Яна ғалати томони шундаки, иш районда бажарилади, лекин бухгалтерия ҳисоб-китоби область марказида қилинади. Биз ой охирида халталарни тўлғазиб, квитанция кўтариб бухгалтерияга борамиз. Ким ишдан кетади, ким ишга киради, ким отпуска олади, ким отпускадан қайтади — улардан ҳам ариза олиб, яна бирлашмага бориш керак. Бировнинг арз-шикояти бўлса, кўп йўл босиб, бирлашма бошлиғи ҳузурига боради. Уни тополмаса, эртасига яна боради. Бу ёқда эса дўкон қулфлоғлиқ тураверади. Хуллас, шунақа гаплар!..

Эксперимент ишга мутлақо салбий таъсир қилаётир, деб бўлмайди. Айрим силжишлар ҳам бор. Масалан, маиший хизмат нуқталари сони кўпайди. Кооперация йўли билан пайабзал тикиш ва сотиш кенгайди. Бировлар савдони савдо ташкилотлари қилсин, маиший хизмат корхоналари эса кийим, пойабзал ва яна кўпгина турдаги буюмларни тайёрлаб сотиш билан эмас, бевосита аҳоли буюртмасини бажариш билан шуғуллансин, дейдилар. Бу гапда ҳам жон бор. Чунки, маиший хизмат корхоналари у ёки бу нарсани тикиб сотгач, уни аҳолига хизмат кўрсатиш процентига қўшадилар-да, сўнг «мана, биз фалон сўмлик хизмат кўрсатдик», деб юрадилар.

Маиший хизмат тармоқлари ишида яна бошқа муаммолар ҳам бор.

Партия XXVII съезди ҳужжатларида инсон омилини активлаштириш социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг асосий шарти қилиб қўйилди. Инсон омилини активлаштиришда маиший хизматнинг роли катта. Республика маиший хизмат системасидаги структуравий муаммоларни диққат билан ўрганиб, мавжуд нуқсонларни зудлик билан тугатиш зарур.

Н. ҲАИИТҚУЛОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Чакана савдо ташкилотлари, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси корхоналари, ишчилар таъминоти бошқармалари ва ишчилар таъминоти бўлимлари раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Тошкентда 1986 йилнинг 12 ноябридан 23 ноябригача «УЗКУЛЬТТОРГ» ва «УЗСПОРТТОРГ» областлараро базалари биносида 1987 йилга мўлжалланган маданий-маиший, хўжалик, галантерея-парфюмерия ва спорт моллари

УЛГУРЖИ САВДОСИ БУЙИЧА

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ УТКАЗИЛАДИ

Ярмаркага турли савдо ташкилотлари, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси, ишчилар таъминоти бошқармалари ва ишчилар таъминоти бўлимлари вакиллари таклиф этиладилар.

Ярмарка адреси: Тошкент шаҳри, Радость кўчаси, 5-уй (30-автобуснинг «Янгиобод массиви» бекати). Телефон 48-36-46.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/XI да **Петр Биринчи**, 12/XI да **Раймонда**, 13/XI да **Отелло**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА, —11/XI да **Олтин девор**, 12/XI да **Келинлар қўзғолони**, 13/XI да **Отелло**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/XI да **Чароғондир чўлда юлдузлар**, 13/XI да **Лайли ва Мажнун**.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

12 ноябрь соат 19.00 да СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АТЛАНТАС» (Клайпеда) командалари ўртасида

Футбол

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Пахтакор» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамиятининг Ўзбекистон республика Совети коллективи ҳунар-техника таълими ихтирочилар ва рационализаторлар Бутуниттифоқ жамиятининг республика бирлашган Совети раиси Б. Х. Қаюмовга онаси

Иқбол САЪДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг География бўлими коллективи илмий ходим Д. Зокировага онаси

Зайнаб ЗОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ёш математиклар ва физиклар республика мактаб-интернати коллективи мактаб-интернат илмий бўлими мудири С. Исҳоқовга отаси

Тўражон ИСҲОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Протезист» республика саноат бирлашмаси коллективи бош директор ўринбосари В. З. Назаровга онаси

Тожи ХОЛМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ИТТИФОҚДА ТЎРТИНЧИ

Республика пойтахтида яна бир магазин эшик очди. Шота Руставели кўчасидаги кўркам бинолардан бирининг кўзга кўринарли ерида «Мода» магазини деган ёзувлар пайдо бўлди. Ойнаванд магазин витриналарининг безатилиши диққатга сазовор. Савдо зали кенг ва ёруғ бўлиб, харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

— Халқимизнинг диди нозик, талаби баланддир, — дейди магазин директори М. Хўжаева. —Ишчи коржомасидан тортиб, уйда, сафарда, ишда кийиладиган кийимларнинг бежирим, сифатли, муҳими қулайлиги билан ажралиб туришига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бундай фирма магазинларини очиш тажрибаси дастлаб Москва, Ленинград ва Рига шаҳарларида амалда қўллаб кўрилди. Тошкентдагиси эса ҳозирча Иттифоқда тўртинчи бўлиб турибди. Меҳнаткашларга маданий савдо қилишнинг бундай янгича тури жорий этишдан мақсад асосан харидорлар талаб-эҳтиёжини ўрганишдир. Магазинда республикамиз енгил саноат корхоналарида эксперименталтарзда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энг яхши янги намуналари билан савдо қилинади. Коллективимиз асосан ёшлардан иборат. Сотувчи консультантлар харидорлар билан ўзаро мулоқотда бўладилар. Буфет-бар ишлаб турибди. Шунингдек, алоҳида залда тайёр кийимлар кийиладиган ҳолда намойиш этиб борилади...

Магазинни айланган киши «Қизил тонг», «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик бирлашмалари ҳамда Тошкент «Модалар уйи»нинг энг сўнгги нусхадаги моделли маҳсулотлари билан танишиши мумкин. Бежирим ва қулай пальто ва костюм-шимлар, аёллар устки трикотаж кийимлари харидорлар эътиборини тортмоқда. Чирчиқ, Андижон, Фарғона, Тошкент, Қўқон пойабзал фабрикаларида ишлаб чиқарилган ёзги ва қишги туфлилар, эркаклар ва аёлларга мўлжалланган этиклар бежирим ва пишиқ ишлангани билан кўпчиликка маъқул келмоқда. Магазинга жами қирқдан зиёд хилдаги кийим-кечаклар, ўттизга яқин турдаги пойабзаллар келтирилган.

Бу ерда таклиф ва мулоҳазалар столи бўлиб, алоҳида анкета билан танишиш мумкин. Анкетада: «Ҳурматли ўртоқ! Магазинимиздан ҳеч нарса харид қилмай кетяпсиз, нега?» дейилган. Харидор бу саволга муносиб равишда ўз истак, таклиф ва мулоҳазалари билан жавоб қилиши мумкин. Шу тариқа «Мода» магазинида савдо қилинаётган молларнинг сифати ва хили шу кун талабига жавоб бериши билан боғлиқ эътироф ва эътирозлар ўрганилади.

Ҳ. НОСИРОВ.

Суратларда: «Мода» магазини савдо залларида. В. Молгачев фотолари.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:

Парда ТУРСУН. Ўқитувчи. Роман. 336 бет. Баҳоси 1 сўм 40 тийин (рус тилида).

Романда оғир болалик йилларини бошидан кечирган ва кейинчалик ўқитувчи бўлиб етишган оддий бир қишлоқ кишиси ҳақида ҳикоя қилинади.

Сергей ТАТУР. Ер ҳайдовчи. Қисса. 288 бет. Баҳоси 1 сўм 10 тийин (рус тилида).

Асар қаҳрамонлари — замондошларимиз. Мирзачўл қўриғида, Тошкент илмий-тадқиқот лабораторияларида бўлиб ўтган воқеалар асарга асос қилиб олинган.

Михаил ГРЕБЕНЮК. Шикоятга ўрин йўқ. Қиссалар. 224 бет. Баҳоси 1 сўм 10 тийин (рус тилида).

Тўпламга жамланган қиссаларда қийин, мураккаб, хавфли ишларни бажарувчи, жиноятчилар билан шуғулланувчи милиционерларимизнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ёқуб ХЎЖАЕВ. Ўша кунлар воқеаси. Қисса. 288 бет. Баҳоси 20 тийин (рус тилида).

Қиссада урушнинг суронли йилларида республикамизга келган ота-онасиз болалар ва улар билан оға-ини бўлиб кетган ўзбекистонлик ўғил-қизлар ҳаёти ҳақида сўз боради.

Игарь РОГОВ. Қайиқдаги икки киши. Қиссалар. 208 бет. Баҳоси 60 тийин (рус тилида).

Тўплам ёш оилаларнинг ҳаётидаги воқеалар тасвирланади.

Муҳсин ҚОДИРОВ. Саҳнамиз лочинлари. 208 бет. Баҳоси 1 сўм 60 тийин (ўзбек тилида).

Тўплам ўзбек театрининг биринчи авлодига мансуб 22 санъаткор ҳақидаги портрет, очерк, суҳбат, этюд ва гурунглардан тузилган.

ОБ-ҲАВО

Ўзбекистон ССР гидрометеорология марказининг хабар қилишича, бугун Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ҳаво булутли бўлади, айрим жойларда бироз ёмғир ёғади. Шарқдан эсаётган шамолнинг йўналиши ўзгариб шимолий-ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда эса бошлайди. Ҳарорат кечаси 4—9, кундузи 10—15 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади. Шарқдан секундига 3—8 метр тезликда шамол эсади. Ҳавонинг ҳарорати кечаси 11—13, кундузи 24—26 даража иссиқ бўлади.

(ЎзТАГ).

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Тингланг, томоша қилинг

11 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

ТВ

МТ-I. 9.00 —»Время». 9.45 — «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм. 1-фильм 1-серия. 11.05 — «Ҳайвонот оламида». 12.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — А. Мачавариани. 4-«Ўсмирлик» симфонияси. 16.45 — «Дин ва сиёсат». 17.15 — Фидан Қосимова қуйлайди. 17.25 — «Ангола: эълон қилинмаган уруш изидан». 18.15 — «Жадаллаштириш». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Сиз яратган боғ». 20.05 — «Михайло Ломоносов». Бадиий фильм. 1-фильм. 1-серия. 21.30 —«Время». 22.05 —Концерт. 23.25 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 —Илмий оммабоп фильм. 10.05 — Француз тили. 10.55 — «Кичкинтойлар учун геометрия». 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.10 — Илмий-оммабоп фильм. 13.25 — Музика. В. Асафьев. 14.55 — Карл Маркс ва революцион Россия. 15.25 — «Ватаннинг муносиб фарзанди». 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.30 — Ритмик гимнастика. 20.00 — Концерт. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — Поэзия. 21.30 — «Время». 22.05 — Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати. 22.30 — Хоккей. «Динамо» (М) — АСК.

УзТВ-I. 7.25 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — «Пионер телетайпи». 8.10 — Ҳужжатли фильм. 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Телефильм. 16.35 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 17.25 — «Табиат ва инсон». 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз». 18.45 —Ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.50 — Бир асар тарихи. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Қайта қуриш изланишлар, дастлабки натижалар». 22.35 — «Қайта тугилган туйғу». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.30 — Болалар учун фильм. 20.15 — Фильм-концерт. 20.50 — «Авлодлар эстафетаси». 21.30 — МТ-II.

Р

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Қўшиғимиз сизга армуғон». 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — «Партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, Сизлар учун». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Мактаб, комсомол ва сен». 16.20 — Халқаро мавзуларда актуал интервью. 18.15 — «Беш йиллик одимлари». 18.30 — Концерт. 18.40 — «Огонёк». 19.25 — «Ёшлик». 20.35 — Куйлар. 21.00 — «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида 21.20 — «Пахта далалри илғорлари. Сизлар учун». 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.30 — Дам олиш концерти.

Р.—09108. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б. — 254. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12